Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 22 (4717)
27 ЯНВАРЬ 1982 й.
ЧОРШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 3 тийин

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

СССР 60 ЙИЛЛИГИГА — 60 ЗАРБДОР ҲАФТАЛИК

Барча резервлар — ишлаб чиқаришга

СССР 60

ФИДОКОРОНА МЕҲНАТ НАМУНАСИ

Ўзбекистон ССР енгил саноат корхоналари қурувчиларига, монтажчиларига, ишлатувчиларига, барча қурилиш қатнашчиларига

Азиз ўртоқлар!

Енгил саноат корхоналаридаги ҳамма ишлаб чиқариш қувватларини муддатидан илгари ишга туширишнинг юзасидан олинган 1981 йилги социалистик мажбуриятлар муваффақиятли бажарилганлиги тўғрисидаги хабар КПСС Марказий Комитетида зўр мамнуният билан кутиб олинди.

Республикамизда юқори сифатли ип газлама ва буюмлар ишлаб чиқарадиган замонавий корхоналар, шунингдек бўш меҳнат ресурслари мавжуд бўлган кичик шаҳарларда ва аҳоли пунктларида бир қанча филиаллар барпо этилганлиги КПСС XXVI съездининг халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқаришни янада кўпайтиришга, совет кишиларининг турмуш даражасини оширишга оид қарорларини рўёбга чиқаришга қўшилган салмоқли ҳиссадир.

Асосан хотин-қизлар ишлайдиган енгил саноат корхоналари уй-жой, болалар муассасалари, пионер лагерлари ва профилакторийлар билан комплекс тарзда ишга туширилаётганлиги диққатга сазовордир.

Эришилган муваффақиятлар — ишчилар, инженер-техник ходимлар фидокорона меҳнатининг, республика партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари аниқ мақсадни кўзлаб олиб борган ташкилотчилик ва сиёсий ишларнинг натижасидир.

Москва, Ленинград, Краснодар, Олмаота шаҳарлари, Москва области турдош корхоналарининг қардошларча дўстлиги ва ёрдами корхоналарингиз қувватларини жадал ривожлантиришга кўмаклашганлиги ҳам муҳимдир.

Ўзбекистон енгил саноати қурувчилари, монтажчилари ва ходимлари ўн биринчи беш йилликда ишлаб чиқариш қувватларини ишга туширишда ва тез ўзлаштириш топшириқларини бажариш учун ўзларининг бутун куч ва тажрибаларини ишга соладилар, деб ишонч билдираман.

Азиз ўртоқлар, сизларга сиҳат-саломатлик ва кўп миллатли Улуғ Ватанимиз бахт-саодати йўлидаги меҳнатда янги-янги муваффақиятлар тилайман.

Л. БРЕЖНЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ, ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КАСАБА СОЮЗЛАРИ СОВЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ ШАҲАР КОМИТЕТИДА

МУСОБАҚА ПЕШҚАДАМЛАРИ

Шаҳар районлари, саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа корхоналари ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1981 йил январь-декабрь ойлари якунлари тўғрисида.

Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, Тошкент область касаба союзлари Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Тошкент шаҳар комитети районлар, саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа корхоналари ўртасидаги 1981 йилги шаҳар социалистик мусобақасининг якунларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, Тошкент область касаба союзлари Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ шаҳар комитетининг шаҳардаги енгил, озиқ-овқат, мебель ва маҳаллий саноат корхоналари ўртасидаги социалистик мусобақа ғолиби учун таъсис этилган Кўчма Қизил Байроғи реализация бўйича планни 103,8 процент бажарган, махсулот реализацияси ҳажмининг 23,3 процент, ишлаб чиқариш ҳажмининг 33,6 процент ўсишини таъминлаган кўн-галантерея буюмлари ва спорт товарлари бирлашмасининг коллективига (бош директори. С. Саидкаримов, партия комитетининг секретари А. Мустақимов, касаба союз комитетининг раиси К. Солиҳов, комсомол комитетининг секретари С. Умарова) берилди.

Ўзбекистон КП шаҳар комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, Тошкент область касаба союзлари Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ шаҳар комитетининг транспорт ва алоқа корхоналари ўртасидаги социалистик мусобақа ғолиби учун таъсис этилган кўчма Қизил байроғи пассажирлар ташиш планини 105,6 процент, даромадлар олиш планини 100,6 процент бажарган, меҳнат унумдорлиги бўйича планнинг 100,8 процент бажарилишига эришган «Главташпассавтотранс»нинг 5-автобус парки коллективига (директори В. Раҳимов, партия ташкилотининг секретари Г. Миршарипов, касаба союз комитетининг раиси Х. Саъдуллаев, комсомол комитетининг секретари А. Батиянц) берилди.

Шаҳар районлари ўртасидаги 1981 йилги иш якунларига кўра, капитал қурилиши бўйича турар жой ва асосий фондларни ишга туширишнинг планини 100 процент, қурилиш-монтаж ишларини 115 процент бажарган Ленин районининг коллективлари энг яхши натижага эришдилар.

Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, Тошкент область касаба союзлари Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ шаҳар комитетининг Қизил байроғи бош пудрат бўйича қурилиш-монтаж ишлари планини 104,6 процент, шу жумладан ўз кучлари билан 104,1 процент, турар жойларни фойдаланишга топшириш планини 106,6 процент бажарган, меҳнат унумдорлигини ошириш ва қурилиш-монтаж ишлари таннархини камайтириш бўйича топшириқларнинг бажарилишини таъминлаган «Главташкентстрой» нинг 1-уйсозлик комбинати коллективига (бошлиғи Э. Рустамов, партия комитетининг секретари Н. Ригованов, бирлашган касаба союз комитетининг раиси М. Абдуллажонов, комсомол комитетининг секретари А. Махоркин) берилди.

1981 йил меҳнат беллашуви якунларига кўра районлар ўртасидаги социалистик мусобақада қуйидагилар ғолиб чиқишди: Киров ва Собир Раҳимов районлари ўртасидаги мусобақада Собир Раҳимов райони, Акмал Икромов ва Сергели районлари ўртасидаги мусобақада Акмал Икромов райони, Ленин ва Фрунзе районлари ўртасидаги мусобақада Фрунзе райони, Октябрь ва Чилонзор районлари ўртасидаги мусобақада Октябрь райони, Ҳамза ва Куйбишев районлари ўртасидаги мусобақада Ҳамза райони ғолиб чиқдилар.

Саноат, транспорт ва алоқа корхоналари, қурилиш-монтаж ва лойиҳа ташкилотларининг 53 коллективи шаҳар Ҳурмат тахтасига ёзилди.

Пойтахтимиздаги «Ташсельмаш» заводининг илғор коллективи СССР 60 йиллигига бағишланган зарбдор вахтада сидқидилдан меҳнат қилмоқда. Пландан ташқари тебрим агрегатлари ишлаб чиқариш ишида айниқса комсомол-ёшлар бригадалари катта ҳисса қўшмоқда.

СУРАТДА: (чапда) завод комсомол комитети секретарининг ўринбосари Д. Ёқубова зарбдор ҳафтада ғолиб чиққанлар, фрезерчилар З. Сатучина ва Р. Колмурзина ҳамда силлиқловчи М. Коганни табриклаётган; (ўнгда) бир беш йиллик планини бажариш ташаббускорларидан бири, комсомол-ёшлар бригадасининг бошлиғи В. Шумицкий ва созловчи О. Величко.

Б. Рязанцев фотолари.

УНУМДОРЛИК ОШМОҚДА

Шаҳримиз д а г и грампластинка заводининг илғор коллективи ўн биринчи бешжйилликнинг иккинчи йилида ҳам фидокорона меҳнат қилмоқда. Корхона ўтган йилги маҳсулот ишлаб чиқариш планини 130,7 процентга бажариб, йил давомида 9 миллион 133 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди.

Корхона ишчилари ўтган йил қўлга киритилган муваффақиятларни мустаҳкамлаб бориб, муборак сана—СССРнинг 60 йиллик юбилейини меҳнатда муносиб кўрсаткичлар билан кутиб олиш учун курашмоқдалар. Бу ерда юбилейнинг муносабати билан ташкил қилинган социалистик мусобақага бутун коллектив бир жон, бир тан бўлиб иштирок этмоқда. Социалистик мусобақа меҳнат унумдорлигининг ошишида катта роль ўйнамоқда.

Завод коллективи «СССР 60 йиллигига —60 зарбдор ҳафта!» шарафига оширилган социалистик мажбуриятларни олиб меҳнат қилмоқда. Корхонанинг юзлаб ишчилари айни пайтда меҳнат графигидан ўзиб, йилнинг иккинчи ва учинчи кварталлари ҳисобига ишлашмоқда. М. Гусева, В. Бахмурова, Р. Мисахова, В. Керников, В. Зонров ва О. Ҳанифовалар кунлик план топшириқларини 150— 200 процентга етказиб бажармоқдалар. Бу ишчилар эришаётган муваффақиятлар корхонанинг бошқа ишчиларига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Ҳозирги кунда корхонада 200 дан зиёд ишчи бешжйилликни уч ва тўрт йилда бажариш учун сидқидилдан фидокорлик кўрсатмоқда.

• *Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетида*

Комиссия ташкил этилди

Халқ депутатлари шаҳар Советининг навбатдаги мажлисида республика пойтахтини шу ва кейинги йилларда комплекс қуриш, ободонлаштириш суръатлари ва сифатини ошириш масаласи муҳокама этилди. Белгиланган тадбирларнинг бажарилишини назорат қилиш бўйича маҳсус комиссия ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилинди. Комиссия составига Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси В. О. Козимов, ижроия комитет раисининг биринчи ўринбосари Г. М. Саркисов, раис ўринбосарлари, бўлимлар, бошқармаларининг мудирлари ва бошлиқлари, район ижроия комитетларининг раислари киришди.

Якунлар чиқарилди

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар Комитети бюроси ва Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ўтган йили ўтказилган XVIII шаҳар спартакиадасининг якунларини чиқаришди. Спартакиадада 494 минг студентлар, мактаб ўқувчилари, ўрта махсус ўқув юртлари ва ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчилари, ишчилар ва меҳнатчилар, Тошкент аҳолиси қатнашди.

Ленин ва Ҳамза районларида спартакиада яхши ташкил этилганлиги таъкидланди. Комплекс зачёт натижалари бўйича умумкоманда ҳисобида биринчи ўринни Ленин райони коллективи олди. Ҳамза райони иккинчи, Куйбишев райони учинчи ўринга сазовор бўлдилар.

Айни пайтда ўтказилган спартакиада меҳнат коллективлари, ўқув юртлари ва ЖЭКларда физкультура ва спорт ишини ташкил этиш етарли даражада эмаслигини кўрсатди. Буни спартакиада қатнашчилари 1980 йилга нисбатан 55 минг кишига камайганлигидан билиш мумкин.

Ўзбекистон Компартияси шаҳар комитети бюроси ва Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети кўрилган масала бўйича тегишли қарор қабул қилишди.

ИЛҒОР ТАЖРИБА МАКТАБИ

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети қошида Советлар ишини ташкил этиш бўйича илғор тажриба мактабининг машғулотлари бошланди.

Биринчи машғулотни мактаб раҳбари, ижроия комитет ташкилий ишлар бўлими мудирининг ўринбосари А. Ф. Демчук ўтказди. Депутатлар депутат фаолиятининг ленинча принциплари билан танишдилар, ўз ишларини планлаштириш, сессияга тайёргарлик кўриш, давлат ва жамоат органларига, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг лавозимли раҳбарларига депутатлик фаолияти масалалари билан мурожаат этиш бўйича тажриба алмашдилар.

Партия, совет ходимлари, Советларда ишлаш бўйича катта тажрибага эга бўлган депутатлар жалб этилган машғулотларнинг истиқболли планида депутатларнинг ҳуқуқ ва бурчларини, Советлар ҳақида қонунларни ўрганиш, депутатларнинг шаҳар хўжалиги ва бошқаларнинг ишини яхшилаш бўйича вазифаларини ўрганиш киритилган.

Материалларни яхши ўрганишга шаҳар Совети депутатлик хонаси қошидаги методика кабинетида бўлган ўқув қўлланмалари, адабиётлар ёрдам беради.

РЕСПУБЛИКА БЎЙЛАБ

Кува консерва заводининг қуввати ошди. Бу ерда беш миллион банка сабзавот ва мева шарбати ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги механизациялаштирилган поток линия монтаж қилиниб, созлаб бўлинди. Ўзбекистон ССР мева-сабзавот хўжалиги министрлигидан маълум қилишларича Янгийўл консерва заводида, Самарқанд ва Фарғона заводларининг филиалларида, бошқа корхоналарда ҳам янги серунум машина-механизмлар ўрнатилган. Бу— консерва қилинадиган маҳсулот ишлаб чиқариш йиллик миқдорини 80 миллион шартли банка кўпайтириш имконини беради.

* * *

Ромитон районидаги Абу Али ибн—Сино номли совхозидан Ҳусниддин Калонов бошлиқ механизаторлар бригадаси Иссиқсув массивида дастлабки қўрниқнинг гектарларини ўзлаштиришди. Механизаторлардан Нурилла Ортиқов, Шоди Холиқов, Собир Кенжаев, Шамси Жумаев ва коллективнинг бошқа аъзолари бу йил хўжалик деҳқонларига беш юз гектар янги ер очиб бериш мажбуриятини олишди. Бу эса белгиланган топшириқдагидан юз гектар кўпдир.

* * *

Китоб ўрмон хўжалигида баҳорги экиш ишларига тайёргарлик ниҳоясига етди. Бу ерда тоғ ёнбағирларидаги 100 гектар ерда ёнғоқ, бодом, писта, олма, арча дарахтлари учун терассалар барпо этилди. Ўрмон хўжалигининг кўчатзорида шу навлардаги уч йиллик 12 мингта дарахт кўчати етиштирилди. Ўтган йили Китоб ўрмон хўжалигининг ходимлари Ҳисор тоғ ёнбағирларида 21 гектар боғ барпо этдилар.

* * *

Амударё районидаги «Партия XXII съезди» колхозидан ўттизта ёш оила янги Отажон овул поселкасида ёшлар учун қурилган уйларга кўчиб ўтишди. Бу уйлар ҳамма қулайликларга эга. Қурилган йўл, электр линияси поселкани колхоз маркази билан боғлади.

[ЎзТАГ].

ИЛҲОМБАХШ АСАР

Халқлар Дўстлиги орденли Тошкент қишлоқ хўжалиги институти студентлари барча совет кишилари қаторидаги ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг «Эсдаликлар» асарини зўр мамнуният билан кутиб олдилар. Ўртоқ Л. И. Брежнев асарлари мамлакатимизнинг маънавий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеа бўлганлиги маълум. Бу асарларда Улуғ Ватан уруши ва урушдан кейинги халқ хўжалигини тиклаш даврлари, қўрниқ ва бўз ерларни ўзлаштириш ҳақида ҳаққоний ҳикоя қилинади. Улар тарихийлик ва чуқур умумлашмаларга тўлиқдир. «Кичик ер», «Тикланиш», «Қўриқ» асарларнинг муқаддимаси тарзида вужудга келган «Эсдаликлар» асарида Л. И. Брежневнинг оддий ишчи оиласидан йирик давлат арбоби даражасига кўтарилганлиги босқичма-босқич акс эттирилган.

Бу асарнинг ҳаққонийлиги, ўқимишлилиги институтнинг фалсафа кафедрасида бўлаб ўтган йиғилишда ва ўсимликлар ҳимояси факультети студентлари ўртасида ўтказилган конференцияда ҳам таъкидлаб ўтилди.

Ҳ. ХУШМАИТОВ,
Тошкент қишлоқ хўжалиги институти студенти.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДАН

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Коммунистик партия, Совет давлати ва халқаро коммунистик ҳаракатнинг таниқли арбоби, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари, СССР Олий Советининг депутати, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Михаил Андреевич Суслов қисқа давом этган оғир касалликдан сўнг 1982 йил 25 январда 80 ёшида вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қиладилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ — СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ — СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети қарор қиладилар:

1. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари Михаил Андреевич Сусловни дафн этишни ташкил этиш учун В. В. Гришин, А. Я. Пельше, К. У. Черненко, А. П. Кириленко, Б. Н. Пономарев, И. В. Капитонов, М. В. Зимянин, Г. С. Павлов, П. Н. Федосеев ва В. А. Зимнев ўртоқлардан иборат ҳукумат комиссияси ташкил этилсин.

2. М. А. Суслов Қизил майдонда дафн этилсин.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

△ «Партия ўқувининг самарадорлиги» — «Правда» газетасининг бугунги бош мақоласи ана шундай номланади.

△ Афғонистон Халқ демократик партиясининг делегацияси бир ҳафта давомида область, шаҳар, район партия комитетларининг, шунингдек бошланғич партия ташкилотларининг молиявий-хўжалик фаолияти билан танишди. Делегация аъзолари бир қанча корхоналар ва колхозларда бўлиб, Самарқандга сафар қилдилар, Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар.

26 январь куни делегация аъзоларини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Л. И. Греков қабул қилди.

телетайп лентасидан

⊙ **УЛАН-БАТОР.** Халқ Монголиясининг энг йирик саноат ва маданият марказидаги — Улан-Батор бошланган еттинчи беш йиллик мобайнида янада ривож топади. Яқин йиллар ичида жами саҳни 400 минг квадрат метр келадиган уй-жойлар қуриш белгиланди. Бу уйларга шаҳар аҳолисидан 50 мингдан кўпроқ оила кўчиб киради.

Мактаблар ва бошқа болалар муассасалари, касалхона ва поликлиникалар, савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат корхоналари шахобчаларини анча кенгайтириш режалаштирилди. Фан ва маданият уйи, янги пионерлар саройи, ёшлар клуби республика бош шаҳрининг архитектура қиёфасини безайди. Анъанавий кўкламги шанбаликлар вақтида 170 минг тупдан зиёд дарахт кўчатлари ўтказилади.

⊙ **ҒАРБИЙ БЕРЛИН.** Ғарбий Берлинда шаҳар маъмурлари квартира учун тўланадиган ҳақни ошириш юзасидан ўтказаётган сиёсатга қарши норозилик баён этилган арзномаларга имзо тўплаш бошланди.

Бу арзномаларда кейинги ҳафтада шаҳар аҳолисидан 700 мингдан кўпроқ кишининг квартира ҳақини ошириш тўғрисида қабул қилинган қарорларнинг бекор этилиши ҳақидаги талаб ҳам илгари сурилади.

Арзномаларнинг муаллифлари шаҳарда уй-жой қурилишини кенгайтириш талабини ҳам баён қилишган. Тўла бўлмаган маълумотларга қараганда, шаҳарда уй-жойга ниҳоятда муҳтож бўлган 80 мингдан кўпроқ киши бор.

⊙ **ВЕНА.** Австриянинг йирик саноат маркази бўлган Грац шаҳрининг маъмурлари янги қарор қабул қилдилар. Бу қарорга мувофиқ, 1982 йил 1 январдан бошлаб бу шаҳарда электр энергия учун тўланадиган ҳақ мамлакатнинг бошқа районларидаги сингари 10—16 процент эмас, балки 40 процент оширилади. 1973 йилдан бери шаҳарда гўё «имтиёзли тариф» мавжудлиги ана шу қарор учун важ қилиб кўрсатилмоқда.

Грацда 1 январдан бошлаб квартираларни иситиш ҳақи ҳам 40 процент оширилди.

(ТАСС).

• Социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини текширамиз

БАРЧА РЕЗЕРВЛАРДАН ФОЙДАЛАНАЙЛИК

Пойтахтнинг Акмал Икромов ва Сергели районлари шаҳримиздаги энг кенжа районлардир. Ана шу икки районнинг халқ хўжалигини юксалтиришдаги истиқболлари каттадир. Шу боисдан уларнинг бир-бирлари билан мусобақадош эканлиги тасодифий эмас.

Икки районларнинг партия-хўжалик активи йиғилишлари ана шу мусобақа якунларига, 1981 йилда қилинган ишларни таҳлил этиш ва ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йили режаларига бағишланди. Район меҳнаткашлари ўртасида 1982 йил учун социалистик мусобақа тўғрисида шартнома имзоланди.

ПОЙТАХТНИНГ Акмал Икромов райони меҳнаткашлари ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилини давлат топшириқларини муддатидан илгари бажариш, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, социалистик мусобақа барча формаларини такомиллаштириш билан нишонладилар. Акмал Икромовликлар фахрланишга лойиқ ишларни амалга оширишди. Ўтган йили пландан ташқари уч миллион сўмликдан зиёд саноат маҳсулоти реализация қилинди, бу қабул қилинган социалистик мажбуриятдагидан бирмунча ортиқдир. Саноат ишлаб чиқариши ҳажми 1980 йил билан солиштирганда 5,5 процентга ошди, ана шу ўсишнинг 80 процентдан зиёдига меҳнат унумдорлигини ошириш эвазига эришилди. Фақат саноатнинг ўзидагина пландан ташқари олинган фойда 160 минг сўмдан зиёдни ташкил этди.

Саноатда сезиларли ютуқлар билан бир қаторда капитал маблағларни ўзлаштиришда, қурилиш-монтаж ишлари ҳажмини оширишда ҳам муайян муваффақиятлар қўлга киритилди. Жумладан, районда асосий фондларни ишга туширишнинг плани 102,6 процент бажарилди. 9154 квадрат метр уй-жой, болалар боғчаси ва Назарбек кўчасида мактаб, Фарҳод бозорининг филиали, омонат касса ва бошқа объектларни район меҳнаткашлари ўтган йили қабул қилиб олдилар.

Транспорт корхоналари халқ хўжалиги юклари ва пассажирларни ташиш планларини ортиги билан ado этдилар, алоқа корхоналари эса социалистик мажбуриятларни ҳам зиёдаси билан бажардилар.

Районда товар обороти планлари бажарилишига, маиший ва коммунал хизмати кўрсатишни такомиллаштиришга катта эътибор берилди. Бу нарса ана шу тармоқлар бўйича тиғиз планларни тўлалигича бажариш имконини берди.

Район социалистик мусобақаси голиблари орасида Размитдин Муҳиддинов ва Мансур Мирзаев, Зуҳра Расулова ва Матлуба Толипова, Мастура Мирахмедова ва Лидия Калинина, Анатолий Габалин ва Павел Чекунов, Тўлқин Самигов, Хизмат Муаффаров ва бошқа кўпгина меҳнаткашлар бор.

Бир қатор коллективлар план ва социалистик мажбуриятларни муддатидан илгари бажарилганлиги, бажарган ишлари кафолати ва сифати ошганлиги тўғрисидаги рапортга имзо чекдилар. Ана шулар орасида миллий музика асбоблари фабрикаси, «Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Средазгазавтоматика» заводи бор.

11 ва 13-ремонт-қурилиш бошқармаларининг раҳбарлиги, партия ва касаба союз ташкилотлари, барча меҳнаткашлари қурилиш-ремонт ишлари ҳажмини оширишга борасида кўпгина ишларни амалга оширдилар.

Лекин, афсуски, районнинг ҳамма корхоналари ҳам тиғиз планлар ва социалистик мажбуриятларни бажаришнинг уддасидан чиқолмадилар, уларнинг айримлари план ва социалистик мажбуриятларни бажаришган бўлишса-да, бунга фақат план ва мажбуриятни камайтириш ҳисобига эришишди. Бу гаплар «Сигнал» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, заргарлик заводи, сут саноати бирлашмасига тааллуқлидир.

Холисона айтганда ана шу меҳнат коллективларининг объектив қийинчиликлари ҳам бор эди. Лекин бу шу корхона раҳбарларининг зиммасидан меҳнатни бўш ташкил этишдаги, моддий-техника таъминоти ва ишлаб чиқаришни техника жиҳатидан қайта қуроллантириш борасидаги масалаларни ҳал этишдаги, сусткашлиги, кишилар билан ягона мақсадга қаратилган қунделик сафарбарлик руҳидаги ишларни олиб бормаганлигидаги масъулиятни ҳеч қачон соқит қилмайди.

Бу йил заргарлик заводи, сут саноати ишлаб чиқариш бирлашмаси, шунингдек «Средазгазавтоматика» заводи, миллий музика асбоблари фабрикаси, булка-кондитер комбинати ва бошқа бир қатор корхоналар ишлаб чиқариш майдонларини кенгайтириш ва ишлаб чиқаришнинг техник қайта жиҳозлаш билан боғлиқ бўлган мураккаб ҳамда масъулиятли вазифаларни ҳал қилиши керак. Бу нарса янада катта ташкилотчилик ва интизомни, партиявий-сиёсий, тарбиявий ишлар самарадорлигини янада оширишни тақозо этади.

Район саноати ҳали ҳам аҳолининг маданий-маиший аҳамиятдаги товарларга бўлган ва ошиб бораётган талабларини тўлалигича қондираётгани йўқ. Ваҳоланки, районда ҳали бир қанча фойдаланилмаётган резервлар мавжуд. Бу гаплар жумладан «Сигнал» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасига, «Средазгазавтоматика» заводига ва ҳисоблаш техникаси ремонти ва хизмат кўрсатиш заводига тааллуқлидир. Район партия ташкилоти ана шу масалага — яқин вақтлар ичида халқ учун товарлар ишлаб чиқаришни бирмунча кенгайтиришга ўзининг муҳим эътиборини қаратмоқда.

Актив йиғилиши қатнашчилари таъкидлаб ўтганларидек, район корхоналари ва қурилишларида ҳамон кўплаб ишчи вақти йўқотилмоқда. Бу район меҳнаткашларининг бундан ҳам катта натижаларни қўлга киритишига имкон бермаган сабаблардан биридир. Бу ерда қурилиш-монтаж ишлари плани бор-йўғи 84,7 процент бажарилди. Яқин вақтларга мўлжалланган қурилиш программаси эса анча каттадир. 74 ва 47-АТСлар қурилишини, сут комбинатининг болалар озиқ-овқатлари цехи қурилишини, Х. Ғафуров кўчасидаги мактаб ва болалар боғчаси, туғруқхона, болалар касалхонаси, кўплаб турар жой бинолари қурилишини ниҳоясига етказиш керак.

Ана шулардан келиб чиқиб, партия, совет органлари, қурилиш ва монтаж ташкилотларининг раҳбарлари қурилиш ишлаб чиқариши инженерлиги тайёргарлигини изчиллик билан яхшилашлари, қурилишни тасдиқланган графикка қатъий риоя қилган ҳолда олиб боришлари, план ва меҳнат интизомини ҳар жиҳатдан мустаҳкамлашга эришишлари керак.

Район коммунистлари ва барча меҳнаткашлари олдида алоқа, уй-жой ва коммунал хўжалиги, савдо, аҳолига маиший ва маданий хизмат кўрсатишни такомиллаштириш бўйича ҳам катта вазифалар турибди.

Йиғилишда бу йил учун қабул қилинган социалистик мажбуриятларда юбилей йилида ишлаб чиқаришнинг барча участкаларида меҳнат унумдорлиги ва сифатини янада яхшилаш вазифалари белгиланган. Пландан ташқари 3 миллион 200 минг сўмлик маҳсулотни реализация қилиш кўзда тутилмоқда. Қурилиш-монтаж ишлари планини 27 декабрда бажариш белгиланган, жумладан, барча объектларнинг 85 процентини «яхши» ва «аъло» баҳоларда топириш кўзда тутилган. Транспорт ва алоқа корхоналарининг коллективлари йиллик план 26 декабрда бажарилганлиги тўғрисида рапорт беришга азму қарор қилдилар.

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни бирмунча ошириш ва уларнинг сифатини яхшилаш, маданий-оқартув муассасаларининг, савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг ишини яхшилаш кўзда тутилган. Бу район меҳнаткашларининг мамлакатимиз ҳаётидаги шонли сана — СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш бўйича даъватга амалий жавобидир. Актив йиғилишда таъкидлаб ўтилганидек, Акмал Икромов ва Сергели районлари ўртасидаги анъанавий меҳнат беллашуви ана шу натижаларни қўлга киритишдаги бош омиллардан биридир. Икки район ўртасидаги бундай меҳнат беллашуви бундан буён ҳам янада такомиллашиб, кенгайиб боради.

ТОШКЕНТНИНГ Сергели райони ўзининг иккинчи ёшлигини бошидан кечирмоқда. У республика пойтахтида жуда тез юксалиб бораётган районлардан биридир. Биргина 1981 йилнинг ўзида бу ерда 218 минг квадрат метр турар жой фойдаланишга топширилди. Бу аввалги бошқа ҳамма йилларни қўшиб ҳисоблаганда ундан кўпдир.

Районда уй-жой қурилиши интенсив равишда олиб борилиши билан бир қаторда савдо, маиший хизмат, маданият корхоналари кенг тармоқлари бунёд этилмоқда, унинг ишлаб чиқариш базаси мунтазам равишда кенгайиб бормоқда.

Сергелиликларнинг зарбдор меҳнатлари, район партия ташкилотининг олиб борган катта сафарбарлик ишлари туфайли саноат корхоналарининг коллективлари маҳсулотни реализация қилиш ва буюмларнинг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш бўйича, меҳнат унумдорлигини юксалтириш бўйича йиллик план 25 декабрда бажарилди. 1980 йил билан солиштирганда олий категориядаги буюмларни ишлаб чиқариш бу ерда қариб икки баравар кўпайди, саноат ишлаб чиқариши ҳажми 6,4 процентга ошди, халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш ҳажми эса 17,8 процентга кўпайди. Пландан ташқари 3 миллион 380 минг сўмлик саноат маҳсулоти реализация қилинди.

Транспорт ҳам янада юксалди. Ана шу тармоқ корхоналари техника билан жиҳозланиб, ўзларининг ишлаб чиқариш қувватларини оширдилар, кўрсаткичларини яхшиладилар.

Ўтган йили район транспортчилари пландан ташқари 1,5 миллиондан ортиқ пассажирни манзилларига этказиб қўйди, пландан ташқари 100 минг тоннага яқин халқ хўжалиги юклари ташилди, 60 минг сўмдан зиёд пландан ташқари фойда олинди, меҳнат унумдорлиги 2,4 процент юксалди.

Транспортчилар билан бир қаторда Тошкент ва Сергели авиакорхоналарининг коллективлари, 4-автопарк, 3-автокомбинат, 7-таксопарк коллективлари ҳам ўтган йилги иш якунлари бўйича илғорлар қаторида партия-хўжалик активи йиғилишида тилга олиб ўтилди. Район партия-хўжалик активи йиғилишида қўйидан ҳимоя воситалари заводи, ёғочни қайта ишлайдиган завод, «Ўзбекпроектмебел ь» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ўзбекистон» кўн бирлашмаси, 165-кўчма механизациялашган колонна, бир қатор саноат ва қурилиш ташкилотларининг коллективлари ҳам илғорлар қаторида тилга олинди.

Йил якунларига кўра қолоқлар ҳам саноб ўтилди. Булар резина-техника буюмлари, ошхона ва бошқа мебеллар заводлари, «Узторгцветмет» бирлашмасидир.

Бир қатор заводлар, яъни ошхона мебеллари, резина-техника буюмлари, 243-граждан авиацияси заводлари, «Средазтранспорт» трестининг ишлаб чиқариш корхоналари комбинати ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархининг қимматлашувига йўл қўйдилар.

Пудрат ишлари бўйича планни бир қатор қурилиш ташкилотлари бажармадилар. Тошкент авиакорхонасида, темирбетон конструкциялари заводида капитал маблағлар тўлалигича ўзлаштирилмади.

Коммунистлар партия-хўжалик активи йиғилишида қайд этиб ўтилган нуқсонлар сабабларини синчиклаб таҳлил этдилар. Ана шу сабаблардан биттаси бир қатор корхона ва ташкилотлар коллективларининг планларига тез-тез ўзгартишлар киритилганлиги очиқ-ойдин айтиб ўтилди. Жумладан, йил охирида районда реализация плани бўйича 6 миллион сўм қайтадан кўриб чиқилди, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми бўйича эса план 12 миллон сўмликка қайта кўриб чиқилди. Бу 243-граждан авиацияси, ошхона ва бошқа мебеллар заводи, резина-техника буюмлари заводи, қурилиш плиталари, металл конструкциялар ва махсус монтаж заводлари томонидан планларни қайта кўриб чиқиш оқибатида юз берди.

XXIII шаҳар партия конференциясида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов бу районда олий сифат категориясига аттестация қилинадиган бутун маҳсулотларнинг салмоғи энг паст даражада эканлигига район коммунистлари эътиборини қаратган эди. Ана шу таниқиддан етарли хулосалар чиқарилди.

Йиғилиш қатнашчилари районни, унинг экономикаси ва маданиятини янада юксалтиришнинг етилган ва долзарб масалаларини принципиаллик, ишчанлик билан муҳокама этдилар. Халқ маорифи объектларининг моддий-техника базаси сезиларли даражада мустаҳкамланганлиги, йирик магазинлар, савдо ярмаркаси ишга туширилганлиги қайд этиб ўтилди. Аҳоли саломатлигини яхшилашга қаратилган бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Сергели I массивидаги 13-шаҳар бирлашган касалхонасининг поликлиника қисми филиали очилди. Сергели—3 ва Қўйлиқ 5 б массивларида 17-болалар поликлиникасининг филиаллари ташкил этилди.

1982 йил вазифаларини белгилаб, актив йиғилиши қатнашчилари район меҳнаткашлари олдида янги, масъулиятли вазифалар турганлигини таъкидладилар. Маҳсулот ишлаб чиқариши ва реализация мебеллар заводлари, «Узторгцветмет» бирлашмасидир.

Бир қатор заводлар, яъни ошхона мебеллари, резина-техника буюмлари, 243-граждан авиацияси заводлари, «Средазтранспорт» трестининг ишлаб чиқариш корхоналари комбинати ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархининг қимматлашувига йўл қўйдилар.

Пудрат ишлари бўйича планни бир қатор қурилиш ташкилотлари бажармадилар. Тошкент авиакорхонасида, темирбетон конструкциялари заводида капитал маблағлар тўлалигича ўзлаштирилмади.

Коммунистлар партия-хўжалик активи йиғилишида қайд этиб ўтилган нуқсонлар сабабларини синчиклаб таҳлил этдилар. Ана шу сабаблардан биттаси бир қатор корхона ва ташкилотлар коллективларининг планларига тез-тез ўзгартишлар киритилганлиги очиқ-ойдин айтиб ўтилди. Жумладан, йил охирида районда реализация плани бўйича 6 миллион сўм қайтадан кўриб чиқилди, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми бўйича эса план 12 миллон сўмликка қайта кўриб чиқилди. Бу 243-граждан авиацияси, ошхона ва бошқа мебеллар заводи, резина-техника буюмлари заводи, қурилиш плиталари, металл конструкциялар ва махсус монтаж заводлари томонидан планларни қайта кўриб чиқиш оқибатида юз берди.

XXIII шаҳар партия конференциясида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов бу районда олий сифат категориясига аттестация қилинадиган бутун маҳсулотларнинг салмоғи энг паст даражада эканлигига район коммунистлари эътиборини қаратган эди. Ана шу таниқиддан етарли хулосалар чиқарилди.

Йиғилиш қатнашчилари районни, унинг экономикаси ва маданиятини янада юксалтиришнинг етилган ва долзарб масалаларини принципиаллик, ишчанлик билан муҳокама этдилар. Халқ маорифи объектларининг моддий-техника базаси сезиларли даражада мустаҳкамланганлиги, йирик магазинлар, савдо ярмаркаси ишга туширилганлиги қайд этиб ўтилди. Аҳоли саломатлигини яхшилашга қаратилган бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Сергели I массивидаги 13-шаҳар бирлашган касалхонасининг поликлиника қисми филиали очилди. Сергели—3 ва Қўйлиқ 5 б массивларида 17-болалар поликлиникасининг филиаллари ташкил этилди.

1982 йил вазифаларини белгилаб, актив йиғилиши қатнашчилари район меҳнаткашлари олдида янги, масъулиятли вазифалар турганлигини таъкидладилар. Маҳсулот ишлаб чиқариши ва реализация планларини муддатидан илгари бажарилишини таъминлаш, пландан ташқари деярли 3 миллион сўмлик саноат маҳсулоти реализация қилиш кўзда тутилган. Саноат ишлаб чиқариши ўсиш суръатлари ўтган йил билан солиштирганда 7,5 процентни ва меҳнат унумдорлигини ошириш планда кўзда тутилганига қарагаанда 1 процент юқори бўлишини таъминлаш ҳам кўзда тутилган. Янги техникани жорий этиш бўйича тадбирлар кенг кўламда амалга оширилади. Бу нарса қўл меҳнати салмоғини янада камайтириш имконини беради. 17 турда янги маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, давлат Сифат белгиси ёрлиғи қўйилган товарлар ишлаб чиқаришни кўпайтириши таъминлаш, қурилаётган объектларнинг камида 70 процентини «яхши» ва «аъло» баҳолар билан топириш кўзда тутилган.

Меҳнатни ташкил этишни яхшилаш, янада рационал маршрутлардан фойдаланиш, янги техника ва бир қатор бошқа тадбирларни жорий этиш эвазига пассажирлар ва халқ хўжалиги юкларини ташиш планини муддатидан илгари адо этишга, пландан ташқари 700 минг пассажир ва 100 минг тонна юк ташишга қарор қилинди.

Ана шу мажбуриятларни муваффақиятли бажаришда «СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафталик» ва «Бир беш йилликда— икки беш йилликни бажарамиз!» шиорлари остидаги социалистик мусобақани кенг кўламда авж олдириш муҳим роль ўйнайди. Бу ерда ибрат олса бўладиган корхоналар бор. Жумладан, Сергели мебель ишлаб чиқариш бирлашмасида бу ватанпарварлик ташаббусига барча бригадалар, цехлар ва участкалар қўшилишган. Совет давлатининг юбилейига юксак социалистик мажбуриятлар қабул қилганлар орасида мебель бирлашмасининг бригада бошлиғи, Халқлар дўстлиги ва «Хурмат белгиси» орденларининг кавалери Эркин Икромов ҳам бор. У шу кунларда 1983 йил ҳисобига меҳнат қилмоқда. СССР ташкил этилган кунгача ўн биринчи беш йилликнинг икки йиллиги топширишни бажаришга сўз берганлар орасида «Ўзбекистон» кўн бирлашмасининг Ленин ордени кавалери Рауф Каримов, Абдувоҳоб Гафуров, Маҳамат Исмоилов, Нина Антонова ва бошқа кўплаб меҳнаткашлари, бошқа юзлаб ишчилар бор.

Район меҳнаткашлари Акмал Икромов районининг социалистик мусобақага активлик билан киришдилар. Улар беш йилликнинг иккинчи йилини зарбдор меҳнат, юксак унумли меҳнат билан нишонлашга аҳду паймон қилдилар.

Михаил Андреевич СУСЛОВ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари, СССР Олий Советининг депутати, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Михаил Андреевич Суслов қисқа давом этган оғир касалликдан сўнг 1982 йил 25 январда саксон ёшида вафот этди. Коммунистик партия, Совет давлати ва халқаро коммунистик ҳаракатнинг таниқли арбоби ҳаётдан кўз юмди. Унинг бутун ҳаёти, бутун кучи ва билими, бутун истеъдоди партия билан халққа бағишланган эди.

Михаил Андреевич Суслов 1902 йил 21 ноябрда Ульяновск область Павлов районидаги Шаховский қишлоғида камбағал деҳқон оиласида туғилди. Ўспиринлик йилларидаёқ Октябрь революциясининг ғоялари ва иши унинг ҳаёт йўлини белгилаб берди. У 1919—1920 йилларда Камбағаллар комитетида, уезд комсомол ташкилотида ишлаб, янги жамият барпо этиш учун, меҳнаткашларга энг яхши турмушни яратиш учун курашга актив қўшилди.

М. А. Суслов 1921 йилда Коммунистик партия сафига қабул қилинди. Москвага ўқишга командировка қилинган М. А. Суслов 1924 йилда Пречистенск ишчилар факультетини, 1928 йилда эса Г. В. Плеханов номли Москва халқ хўжалик институтини тамомлади. Сўнгра Қизил профессура иқтисодий институтида ўқиди ҳамда Москва давлат университетида ва саноат академиясида ўқитувчилик қилди.

1931 йилда партия М. А. Сусловни ВКП(б) Марказий контроль комиссиясига ва Ишчи-деҳқон инспекцияси халқ комиссариатига ишга юборди ва ўша пайтдан буён у партия ҳамда давлат фаолиятининг масъулиятли участкаларида доимо меҳнат қилиб келди. 1937—1939 йилларда М. А. Суслов Ростов область партия комитетининг бўлим мудири, обком секретари бўлди. 1939-1944 йилларда КПСС Ставрополь ўлка комитетининг биринчи секретари эди.

Улуғ Ватан уруши йилларида Михаил Андреевич Суслов ўзининг бутун кучини душман устидан ғалаба қозонишга сарфлади. Партизан отрядлари Ставрополь ўлка штабининг бошлиғи, Закавказье фронти Шимолий қўшинлар группаси Ҳарбий Кенгашининг аъзоси бўлган М. А. Суслов фашист босқинчиларга қарши курашда актив иштирок этди.

1944-1946 йилларда М. А. Суслов Литва ССР бўйича партия Марказий Комитети бюросининг раиси лавозимида ишлади. Бу бюро уруш оқибатларини тугатиш, Литвада совет тузумини мустаҳкамлаш ишида республика партия ташкилотига ёрдам берди.

М. А. Суслов 1946 йилдан бошлаб КПСС Марказий Комитетида ишлади. У партия XVIII съездида Марказий ревизия комиссияси составига сайланди. Бутуниттифоқ XVIII партия конференциясида (1941 йил) ва партиянинг шундан кейинги барча съездларида Марказий Комитетнинг аъзоси қилиб сайланди. М. А. Суслов 1947 йилдан буён муттасил партия Марказий Комитетининг секретари бўлиб ишлаб келди. 1949-1950 йилларда айни вақтда «Правда» газетасининг бош редактори ҳам бўлди.

М. А. Суслов 1952-1953 ва 1955-1966 йилларда КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, 1966 йилдан бошлаб Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси эди.

1941 йилда М. А. Суслов СССР Олий Советига сайланди ва унинг барча чақириқларига депутат бўлган эди. У 1950-1954 йилларда СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, 1954 йилдан бошлаб эса Иттифоқ Совети ташқи ишлар комиссиясининг раиси бўлди.

Михаил Андреевич Суслов Коммунистик партия билан халқ ўзига ишониб топширган барча лавозимларда ўзининг буюк ташкилотчи, улуғ Ленин иши учун, коммунистик қурилиш вазифаларини муваффақиятли ҳал қилиш учун букилмас курашчи эканлигини кўрсатди. У партиянинг йирик назариётчиси бўлиб, марксизм-ленинизм назариясини ижодий ривожлантириш учун кўп ишларни бажарди, унинг мусаффолигини қаттиқ туриб ҳимоя қилди. У партиямизнинг жаҳон революцион ва миллий озодлик ҳаракати барча отрядлари билан интернационал алоқаларини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш ишига катта ҳисса қўшди. Социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари билан қардошларча бирдамликни мустаҳкамлаш, мамлакатимизнинг тинчлик учун кураш масалалари унинг фаолиятида муҳим ўринни эгаллаб келди.

Большевистик принципиаллик, ўзига ва бошқаларга нисбатан талабчанлик, ниҳоятда меҳнатсеварлик, ҳозирги замоннинг ўткир ва мураккаб масалаларига ижодий ёндаша билиш Михаил Андреевич Сусловга хос фазилатлар эди. Улкан қалб соҳиби, маънавий жиҳатдан ғоят соф, ниҳоятда камтар М. А. Суслов партия билан халқнинг чуқур иззат-ҳурматига сазовор бўлди.

Коммунистик партия ва Совет давлати олдидаги катта хизматлари учун М. А. Суслов икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди, бешта Ленин ордени, Октябрь революцияси ва 1-даража Ватан уруши орденлари, СССРнинг кўпгина медаллари билан мукофотланган. У бир қанча қардош социалистик давлатларнинг мукофотлари билан ҳам тақдирланган.

Партиянинг содиқ фарзанди, ўзининг бутун ҳаётини коммунистик қурилиш улуғ ишига бағишлаган ленинчи большевик Михаил Андреевич Сусловнинг порлоқ хотираси совет кишиларининг қалбларида абадий сақланиб қолади.

Л. И. Брежнев, Ю. В. Андропов, М. С. Горбачев, В. В. Гришин, А. А. Громико, А. П. Кириленко, Д. А. Кунаев, А. Я. Пельше, Г. В. Романов, Н. А. Тихонов, Д. Ф. Устинов, К. У. Черненко, В. В. Шчербицкий, Г. А. Алиев, П. Н. Демичев, Т. Я. Киселев, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, Ш. Р. Рашидов, М. С. Соломенцев, Э. А. Шеварднадзе, И. В. Капитонов, В. И. Долгих, М. В. Зимянин, К. В. Русаков, Г. Ф. Сизов, И. В. Архипов, Н. К. Байбаков, Г. И. Марчук, И. Т. Новиков, Н. В. Мартинов, А. К. Антонов, И. И. Бодюл, В. Э. Димшиц, К. Ф. Катушев, Л. А. Костандов, В. Н. Макеев, З. Н. Нуриев, Л. В. Смирнов, Н. В. Талызин, М. А. Яснов, М. П. Георгадзе, А. П. Шитиков, В. П. Рубен, А. П. Александров, А. И. Шибаев, Б. Н. Пастухов, Г. С. Павлов, К. М. Боголюбов, Е. М. Тяжельников, С. П. Трапезников, Н. М. Пегов, Н. А. Петровичев, Г. М. Марков, Т. Н. Хренников, Л. А. Кулижанов, Н. А. Пономарев, И. М. Кузнецов, В. А. Зимнев, В. С. Мураховский, В. К. Гусев, Е. Ф. Муравьев, Е. И. Чазов, Ю. Ф. Соловьев, И. Я. Прокофьев, А. М. Школьников, С. В. Клейменов, И. А. Бондаренко, П. П. Гришкявичус.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЕСИЙ БЮРОСИНИНГ АЪЗОСИ, КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СЕКРЕТАРИ М. А. СУСЛОВНИ ДАФН ЭТИШНИ ТАШКИЛ ЭТУВЧИ ҲУКУМАТ КОМИССИЯСИДАН

Ҳукумат комиссияси марҳум М. А. Суслов билан видолашиш учун Союзлар уйининг Колонна залига 28 январь эрталаб соат 10 дан кечқурун соат 18 гача ва 29 январь эрталаб соат 9 дан 11 гача кириш мумкин, деб маълум қилади.

МИХАИЛ АНДРЕЕВИЧ СУСЛОВНИНГ ҚАСАЛЛИГИ ВА УЛИМИНИНГ САБАБИ ТЎҒРИСИДА МЕДИЦИНА ХУЛОСАСИ

79 яшар М. А. Суслов қанд диабети фонида авж олган юрак ва мия қон-томирлари кўпроқ шикастланган умумий атеросклероздан кўпдан бери азият чекиб келарди. 1976 йилда миокард инфарктини бошдан кечирди. 1982 йилнинг 21 январида мия стволи қон томирларида қон айланиш ғоятда бузилиб, бемор ҳушидан кетди, нафас олиши ва организмининг бошқа баъзи ҳаётий муҳим функциялари бузилди. Даволашларга қарамай унинг аҳволи ёмонлашиб борди: юрак-қон-томирдаги етишмовчилик зўрайиб борди, жигар ва буйрак функциялари бузилди.

25 январь соат 16 дан 05 минут ўтганда юрак уришдан тўхтади.

Патологик-анатомик текширишларда қўйилган диагноз тамомила тасдиқланди.

СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги ҳузуридаги тўртинчи Бош бошқарманинг бошлиғи, СССР Фанлар академиясининг ва СССР Медицина фанлари академиясининг академиги, профессор Е. ЧАЗОВ;
СССР Медицина фанлари академиясининг академиги, профессор Е. ШМИДТ;
СССР Медицина фанлари академиясининг мухбир аъзоси, профессор А. КОНОВАЛОВ;
Профессор Р. ТКАЧЕВ;
Профессор Ю. МАРТИНОВ;
Хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор В. ПОПОВ;
Даволовчи врач Л. КУМАЧЕВ;
Хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Ю. ПОСТНОВ.

Республика бўйлаб

Ҳаво йўли Қорақалпоғистон пойтахтини Киев билан боғлади. Мана шу транспорт линияси орқали ҳафтасига уч марта Нукус аэропортидаги тезучар ТУ—134 пассажир лайнери қатнаб туради. Шу вақтга қадар автоном республика аҳолисига кичик самолётларгина хизмат қилар эди. Эндиликда ТУ—134 самолётлари Нукусдан Олмаотага, Тошкент, Волгоград, Краснодарга ҳам учмоқда.

• • •

Ғиждувон районидаги «Ғиждувон» хўжаликлараро бўрдоқичилик корхонасида ўрдак боқиладиган ферма ташкил этилди. Энди колхозлардан келтириладиган молларни боқиш билан бирга ўрдаклар ҳам етиштирилади. Корхонада қуёнлар ҳам кўпайтирилмоқда.

Советлар ҳаётидан

АҲОЛИ ТАЛАБИ АСОСИДА

Маиший хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, буюртмалар бажарилиши сифатини ва хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш маҳаллий Советлар ишидаги муҳим масалалардан бири. Район Совети ижроия комитети, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бўйича депутатлик комиссияси КПСС XXVI съездида қўйилган вазифалар асосида маиший хизмат корхоналари моддий-техника базасини такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга алоҳида эътибор бермоқдалар. Фақат ўтган йилнинг ўзида районда тўртта янги хизмат кўрсатиш жойи очилди. «Аския» бозори территориясидаги «Сервис»нинг комплекс қабул пункти, «Самарқанд» автостанциясидаги «Зангори экран»нинг овоз ёзиш студияси, Шота Руставели кўчасидаги соатлар ва электр устараларни ремонтга қабул қилиш пункти шулар жумласиндандир. Буларнинг барчаси замонавий ускуналар билан жиҳозланган.

Биз хизмат кўрсатишнинг янги турларини жорий этишга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Депутатлик комиссияси район маиший хизмат кўрсатиш бўлими билан ҳамкорликда жойларда мажлислар ўтказиб, меҳнаткашларнинг истак ва мулоҳазаларини ўрганмоқда. Шундай мулоҳазалар иноватга олиниб, районда рангли телевизорларга абонемент хизмати кўрсатиш, юмшоқ мебель ва ошхона жиҳозларини уйда тозалаб бериш, тўр пардаларни бўяш, якка тартибда модали кийим ва пойафзалларни тикиб бериш каби хизматлар жорий этилди.

Бизнинг фикримизча район маиший хизмат бўлими асосий маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ишини янада яхшилашга эътибор бериб тўғри қилянти. Бундан мақсад ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва унинг техника билан жиҳозлашини мақсадга мувофиқ ҳал этишдан иборатдир. Шу асосда иккита маиший хизмат уйи ва шаҳарчаси буюртмачиларнинг юмушларини бажариб берувчи намунали жойга айлантирилди. Буларнинг ҳар бирида 7-8 хил хизмат кўрсатилади. Район аҳолисига ўн бешта ихтисослаштирилган корхона ва 130 та бошқа хизмат кўрсатиш жойлари томонидан жами 200 хилдан ортиқ хизмат кўрсатилмоқда.

Ўтган йили район Совети ижроия комитети «Химчистка» фабрикаси, «Илғор» ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлаб чиқариш самарадорлигини ўстириш, аҳолига хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш, буюртмалар бажарилиши сифатини яхшилашга қаратилган бешта қарор қабул қилди. Бунинг натижасида кўпгина камчиликлар бартараф этилди, коллективлар тўғри хулоса чиқаришди, асосий эътиборни қолоқ участкаларга қаратишди. Район Совети ва Халқ депутатлари ёрдами билан 16та маиший хизмат кўрсатиш объекти реконструкция қилинди, 20 тадан ортиқи капитал ремонтдан чиқарилди, 200 тадан ортиқ технология жиҳози янгиланди, барча устахона, модалар ательелари ходимлари иш кийими билан таъминланди. Бундан ташқари, аҳолининг илтимосига мувофиқ Богдан Хмельницкий кўчасидаги пойафзал ремонти устахонаси, Стародубцев кўчасидаги ҳаммом ва бошқа объектлар реконструкция қилинди.

Район Совети ижроия комитети саноат корхоналарида хизмат кўрсатиш объектлари очиш учун жой танқислигини эътиборга олиб, корхоналар ҳисобига, яъни пайчилик асосида маиший хизмат уйи қуриш ҳақида қарор қабул қилди. Бу ташаббус шаҳар Совети ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлиги томонидан Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессиясида маъқулланди. Саноат корхоналарининг маиший хизмат уйи қуриш учун ажратган маблағлари аллақачон Тошкент шаҳар маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси ҳисобига ўтказилган. Афсуски қурилиш ишлари бошлангани йўқ.

Хизмат кўрсатиш соҳасида бирмунча ютуқларга эришилган бўлса ҳам, аҳолининг талаби ҳали қондирилмаётганини яхши биламиз. Ана шу соҳа корхоналари фаолиятини яхшилаш учун ҳали кўп иш қилиниши керак. Шу боисдан барча корхоналарда омилкорлик билан янги имкониятларни қидириб топишмоқда ва 1982 йил учун янада юксак социалистик мажбуриятлар олишда.

Қ. ИСМОИЛОВ,
халқ депутатлари Фрунзе район Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари.

ЖАСОРАТГА ТЎЛА ҲАЁТ

МОСКВА, 26 ноябрь. (ТАСС мухбири). Атоқли совет партия ва давлат арбоби Глеб Максимилианович Кржижановский туғилган куннинг 110 йиллигига бағишланган виставка бугун пойтахтда очилди.

Экспозицияда Кржижановскийнинг Россиядаги революцион ҳаракатда қатнашуви тўғрисида, унинг ГОЭЛРО плани устидаги иши, Россияни электрлаштириш давлат комиссиясининг раиси, Госплан раиси, Давлат энергетика илмий-тадқиқот институтининг директори лавозимларидаги фаолияти тўғрисида ҳикоя қилувчи ҳужжатлар, фотосуратлар, хатлар бор. Экспонатлар орасида Глеб Максимилиановичнинг Ленин тўғрисида ёзган китоблари, илмий ва адабий асарлари, шахсий ашёлари бор.

Саломатлик ҳақида сухбатлар

Шифокор қабулида

ЮРАККА АСОРАТ БЕРМАСИН

Юракка асорат берадиган хасталик кўп. Айниқса грипп — ўта юқумли, одамларга нафас аъзолари орқали хасталик чақирувчи, асоратли касаллик.

Юрак деганда қадимдан инсон учун керакли, дам олиш нималигини билмайдиган заҳматкаш энг аъло аъзони тушунишади. Дарҳақиқат, юракчалик чарчоқни билмайдиган аъзо йўқ тананизда. У ҳар секундига 45—50 грамм, минутига 4—5 литр, суткасига эса 10 минг литр қонни танамизда чарх урдиради. Бу ҳолат фақат соғлом юрак фаолиятига хосдир. Аммо юрак ва қон томир системасида ҳасталик оқибатида етишмовчилик мавжуд бўлган кишилардачи? Бундай одамларда бу қимматли аъзонинг меъёрда ишлашига путур етади. Бундай кишилар нафас қисиши, юрак ўйнаши ва сийнасига «ин қўйган» оғриқлардан шикоят қилади.

Юрак асосан тўрт бўлимдан иборат. Унга икки бўлмача ва икки қоринча киради ҳамда жуда нозик икки қон томир билан таъминланган. Юрак бир мувозанатда ишлаши учун олий бош мия билан асаб толаларининг бутун бир системаси орқали мулоқатда бўлади. У уст қабати — перикард, ўрта қабати — эндокардлардан ташкил топган. Бўлмача билан қоринча оралиғига клапан (қопқоқ)лар жойлашган. Юрак қонни катта қон томир чархига фақат чап қоринчага жойлашган аорта клапанлари орқали ҳайдайди. Яна ўпка орали тозаланган қонни қабул қилиб, аорта орқали катта қон айланиш системасига куч билан чиқаради.

Хўш, юрак ва қон томирлар системасининг грипп хасталигига қандай алоқаси бор, деган савол туғилиши табиийдир.

Бинобарин, бу ҳақдаги баҳсни бошлашдан олдин, дастлаб грипп хасталиги ҳақида умумий тушунча бериб ўтмоқчимиз.

Юқумли ва тез тарқаладиган касалликлардан бири гриппдир. Бу хасталикни махсус майда микроб (вирус)лар қўзғайди. Грипп одатда бемордан соғлом одамга осон ўтади. Бемор гаплашганида ва аксирганида атрофига грипп вируслари тарқатади.

Грипп билан оғриган беморнинг ҳарорати кўтарилиб, боши оғрий бошлайди, мушаклар зирқираб, лоҳас бўлиб дармонсизланади, бадани увишади. Кўзнинг ачишиб оғриши, иштаҳа йўқолиши ҳам касалликнинг белгиларидир.

Грипп бошланиши билан ёки бир-икки кундан кейин бурун орқали нафас олиш қийинлашади. Қуруқ йўталнинг авж олиши натижасида томоқда оғриқ пайдо бўлади. Беморнинг қовоғи, бурун-томоқ, танглай ва бодомча безлари шиллиқ пардалари қизаради ва шишади.

Грипп касаллиги баъзан тумовсиз, йўталсиз ва юқори ҳаротасиз ўтади. Касалликнинг бундай формаси ҳам бемор эътиборидан четда қолмаслиги зарур. Зеро баъзи беморларнинг беэътиборлиги натижасида организмда ёмон асорат қолиши мумкин. Шунинг учун ҳам гриппнинг оғир формаси билан оғриган беморлар дарҳол касалхонага ётқизилиши лозим. Бу асоратларга асаб зарарланиши, ўрта қулоқ яллиғланиши, сўрункали ўпка касалликлари, буйракларнинг зарарланиши киради. Шунинг учун грипп билан касал бўлганда, албатта уйга врач чақириб, унинг йўл-йўриқларини бажариш керак.

Шундай экан, грипп ҳасталигининг асоратларидан эҳтиёт бўлмоқ керак. Грипп вирусларининг яшаши ва кўпайиши жараёнида ўзидан токсин (заҳарли модда)ларни ажратиб бутун организмга тарқатади. Бу заҳарли моддалар юрак-қон томирларини ва айниқса олий асаб системаси учун кучли салбий таъсир этади. Грипп вируслари ўзининг токсинларидан мустасно юрак қабатларига, унинг қон томирларига таъсир этиб, юракни мушкул аҳволга солиб қўяди. Вируслар айниқса юракнинг ўрта мушак қабати миокардга кучли ҳужум қилиб, унинг мувозанатдаги ишига ҳалал беради. Бунда миокард қабати қон билан таъминлаши ёмонлашиб, унинг нормал қисқариши меъёридан ошиб кетади. Грипп вируслари миокарддан ташқари юракнинг эндокард қабати ва клапан (қопқоқ)ларига ҳам заҳарли таъсир этади. Оқибатда бутун организмда қон айланиш системасининг мувозанатига ҳалал беради. Натижада организмда кислород тансиқлиги рўй беради.

Бунда гриппнинг умумий клиник ҳолати қаторига юрак-қон томир ҳасталикларининг кўринишларидан юрак қисиши, ҳаво етишмаслиги, юрак доирасидаги оғриқлар қўшилади. Шунга кўра, аксарият кишиларда грипп хасталиги оғир ўтиб, тана ҳаротининг юқорилашуви, йўтал, аксириш, кўкрак қафасидаги оғриқлардан мустасно, унинг оёқ-қўллари совуб қолади, юрак атрофидаги кучли оғриқлар безовта қилиб, беморнинг аҳволини мушкул аҳволга солиб қўяди. Бу хил беморларни грипп хасталигидан даволаш билан бирга, уларни юрак-қон томир касаллигидан ҳам даволашга тўғри келади.

Грипп хасталиги чиниқмаган, ҳаддан ошиқ тўла одамлар учун хавфли. Чунки тўла одамлар қон томирларида атеросклероз (қон томир йўлларининг ёғсимон моддалар билан зичлашуви) жараёни мавжуд бўлади. Атеросклероз жараёни юрак-қон томир системасида заифлик-хасталанишни бошлаб беради. Атеросклеротик зарарланишга эга бўлган ҳар бир одамда турли юқумли хасталиклар, жумладан грипп касаллиги ҳам оғир ўтади. Чунки атеросклероз оқибатида заифлашган юрак-қон томирларидан юрак мушакларига етарлича кислород ва озуқа моддалар чекланган бўлади. Организмда грипп вирусларининг кўпайиши ва ривожланиши ўзи ночор аҳволда ишлаб турган юрак-қон томир системасини аянчли аҳволга солиб қўяди. Шунга биноан юрак ва қон томир системасини чиниқтириш, уни атеросклероз жараёнидан мумкин қадар асраш керак. Бунинг учун грипп билан оғриган беморни авайлаб соғайтириш зарур.

Грипп билан оғриган киши юрмаслиги, ўринда ётиши ва уйга врач чақириши керак. Кўпчилик беморлар грипп касаллигига унча эътибор бермай, оёқда ўтказадилар. Бу ҳол асаб системасига ҳам, юрак-қон томирларига ҳам жуда-жуда оғирлик қилади. Хасталик атрофдагиларга юқмаслиги учун беморни айрим хонага жойлаштириш, агар иложи бўлмаса, каравотни чойшаб ёхуд ширма билан тўсиб қўйиш лозим.

Соф ҳаво грипп вирусларини тез нобуд қилади. Шунга кўра уйни тез-тез шамоллатиб, полни хлорли сув билан ювиб, нам латта билан артиш зарур.

Беморга лимон солинган, малина ёки бошқа хил мураббоолар қўшилган иссиқ чой бериш яхши фойда қилади. Нордон, аччиқ, ўткир овқатлар, ёнғоқ ва овқатга соладиган зираворлар эса, нафас йўлининг шиллиқ пардаларини қитиклайди ва йўтални кучайтиради.

Шуни эслатиб ўтиш керакки, бу тоифадаги хасталар учун махсус парҳез таомлари йўқ. Аммо тумовни бартараф этадиган таомлардан фойдаланишни маслаҳат кўрамиз. Булардан шолғом, қуритилган ялпиз, помидор қоқиси солинган мастава жуда-жуда асқотади. Шолғомда макро ва микроэлементлар кўп. Айниқса, юрак фаолияти учун керакли калий микроэлементи мавжуд. Ялпиз, кашнич, шавел ва помидор қоқисида ҳам макроэлементлар, витаминлар кўп. Бу моддалар мана шу қиш фаслида одам организмида жуда камайиб кетади. Шунга кўра, соғлом одам ҳам, айниқса грипп каби хасталик билан оғриган, юрак-қон томирларида етишмовчилик мавжуд бўлган кишилар бу таомларни истеъмол қилиб туришлари кони фойдадир.

Қатиқ, сутни инсон организми учун нақадар фойдаси катта эканлиги шубҳасиз. Унда оқсил, ёғ ва витаминлар бисёр. Грипп билан оғриган беморга эрта билан сутни қайнатиб, унга сариёғ солиб берилса яхши бўлади.

Бемор спиртли ичимликларни истеъмол қилиши мутлақо мумкин эмас. Айрим кишилар хасталик олдини олишда спиртли ичимлик (ароқ) ичиш маъқул дейдилар. Бу фикр мутлақо нотўғри бўлиб, аксинча спирт киши организмининг микробларга қарши кураш қобилиятини кескин пасайтиради, ҳар қандай касалликка мойил қилади ва турли асоратлар қолдиришга сабаб бўлади.

Грипп касаллигидан сақланишнинг бирдан-бир чораси баданни чиниқтириш, спиртли ичимликларни истеъмол қилмаслик, папирос чекмаслик, касаллик тарқалган вақтда унга қарши эмлатишдир. Агар касалликнинг илк аломатлари сезиб қолинса, дарҳол врачга мурожаат қилиш керак.

Грипп хасталигида киши организмида худди қизамиққа қарши қоладиган иммунитет (касалликка қарши организмда ишланадиган куч) қолмайди. Грипп вируслари чиниққан беморга бошқа кишиларга ўз «кучини» кўрсата олмайди. Шундай экан, юракни ёшликдан бошлаб чиниқтириш, мужмал қилмаслик керак. Дарҳақиқат, чиниққан танда чидамли юрак бўлади.

О. АЗИЗХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институтининг катта илмий ходими, медицина фанлари кандидати.

МОСКВА. Қозон соборининг биноси. ТАСС фотохроникаси.

Аввало инсон бўл

ҲИЛОЛАНИНГ ХАЗОН БЎЛГАН УМРИ

Аҳмаджон билан санаторийда танишиб қолдик. У бир гапириб, ўн куларди. Вой унинг аскиялари, ичакузди латифалари. Тунуқ-кун айтган билан тамом бўлмайди. Ҳар гал «янгиси»ни айтиб ҳаммамизни лол қолдиради.

Юлдузим-юлдузим тўғри келиб у билан дўст тутиниб, кейин қиёматли ака-ука бўлдик.

Санаторийдан қайтгач, орадан уч-тўрт кун ўтказиб Аҳмаджонларникига бордим. «Марказ—5»даги уйлар оралаб, ниҳоят унинг квартирасини топдим. Эндигина кўнгироқ тугмачасини босмоқчи эдим, ичкаридан аёл шининг нолиши эшитилди:

— Жон дадаси, урманг, болангизнинг олдида урманг. Бола қўрқади.

— Итвачча, сенларни уриб ўлдирган одам савоб топади. Дазмол босмай қўлинг синсин.

Турган жойимда қотиб қолдим. Ичкарида нимадир тарақлаб кетди, кейин бир нарса синди. Аёлнинг баралла бақириқ овози эшитилди.

— Урманг, урманг, бекордан-бекорга урманг.

— Жон дадажон, опамга тегманг, опажонимни урманг, — дея фарёд қилаётган бир кизалоқ.

Вой тавба, наҳот шу Аҳмаджоннинг уйи бўлса? Наҳот шундай хушмуомала йигит оилада шу қадар бешафқат бўлса? Орқага қайтишимнинг иложи йўқ. Қўрқувдан нафасим тиқилса-тиқилса опажонисини урмасликни дадасидан илтимос қилаётган қизалоқнинг ноласи тобора юракни эзиб юборяпти.

Шарт қўнғироқни босиб юбордим. Бир зумда ичкаридаги овозлар тиниб қолди.

— Ким? — Эркак кишининг зардали овози эшитилди ичкаридан.

— Мен, Каримжонман.

— Ҳозир...

Орадан икки минутча вақт ўтди. Кейин эшик очилиб, сочларини силлиқ тараб олган Аҳмаджон рўпарамга чиқиб келди.

— Ие, ие... Бормисиз? — деди у мен билан қучоқ очиб кўришаркан. — Қойилей, дўст деган мана бунақа бўлибди-да. Ҳеч кутмагандим-а. Қани, қани ичкарига киравлик. Бир пиёла чойимиз бор.

— Раҳмат. Мен энди. Ноқулай вазиятда...

— Ноқулайлиги нимаси, «Қутлуғ уйдан қубуқ кетма» деганлар ахир. Ҳилола, қарагин ким келди.

Ичидан кўзлари шишиб кетган аёл қоридорга чиқди-да менга қараб зўр-базўр жилмайди. Унинг орқасидан онасининг этагини торқилай-торқилай тўрт-беш ёшлар чамасидаги қизалоқ мўралаб турарди.

Ўртача безатилган залга киришимиз билан Аҳмаджон «янгиси»ни соғиниб қолгандирсиз» дея ҳажв дафтарини варақлаб юборди. Мен куламан. Ўзи ҳам кўшилишиб хонани бошига кўтариб кулади. Ўзинг ҳозирги кайфиятини кўрган эдим сўндан 10-15 минут олдин шу уйда бўлиб ўтган машмашани хаёлига ҳам келтирмайди. Тавба, одам ҳам шунчалик тез турланадими!?... Ҳилолани айтинг, гўё ҳеч нарса кўрмагандек хизмат қилиб юрибди Фақат бир киши — кичик Раъноханинг кўзларида ҳали ҳам қўрқув.

Кўп ўтмай Ҳилола, Раъноханлар билан хайрлашиб кўчага чиқдим. Аҳмаджон ҳам кийиниб мен билан чиқди.

— Энди бундай, — деди у. — Бугун отдих. Бунинг устига роса соғинишганмиз. Пушкинга бориб бир қўлбола ош ясаймиз. Бошқа гап йўқ.

Рози бўлдим. Шу куни қозон тепасида ҳам, ош устида ҳам Аҳмаджондан эрталабки жанжал ҳақида сўрашга неча бор чоғландим-у лекин негадир тилим бормади. Бунинг устига «янгисига янгиси»ни улаб Аҳмаджон оғиз очиришга имкон бермади.

У билан тез-тез кўришиб турардик. Кейин бир-биримизникига оилавий меҳмонга борадиган бўлдик. Хотинларимиз ҳам чиқишиб қолишди. Бир куни хотиним:

— Бу Аҳмаджонингиз қанақа йигит ўзи, — деб қолди тўсатдан. Ҳайрон бўлиб ўнга тикилдим.

— Кеча ишхонадагилар билан кинога тушган эдик. Ўша ерда бир аёл билан қўлтиқлашиб юрибди. Вой, хотин бўлмай ўлгурнинг бесўнақайлигини айтинг. Оғайнингиз ўзи зукко бўлгани билан ўлгудек табиатсиз йигит кўринади.

Ўша куни кечқурун Аҳмаджонларникига борсам, уйда фақат Раънохон бор экан.

— Опам касал бўлиб қолдилар. Ҳали дўхтирлар келиб, олиб кетишди. Адам ишдан келганлари йўқ. Мен қўрқаяпман, — деди у бўйнимга осилиб йиғлаб.

Аҳмаджон келса зудлик билан менга телефон қилишини қўшниларга айтиб, Раънохонни ўзим билан олиб кетдим.

— Дадам ёмон, — деди у кўчада менга.

— Нимага? — сўраймаи кулиб.

— Опамни уради. Ҳар куни ичади. Мен ундан қўрқаман.

Шу чоқ Раънохонга раҳмим келиб кетди. У назаримда ҳимоясиз гулга ўхшаб кетди.

Йўқ, Аҳмаджон эртасигаям, индингаям телефон қилмади. Учинчи куни кечқурун ўзи кириб келди уйимизга. Совуққина кутиб олдик. Раънохон дадасининг овозини эшитиб, нариги уйга қочиб кетди.

— Хотиндан қуйдим ака, — деди у томдан тараша тушгандек. — Ишдан чарчаб келсам уйда йўқ. Қизини олиб қаёққадир кетибди.

Унинг яхшигина қайфи бор эди. Нима десам, тўсатдан ҳайдаб юбориш инсофдан эмас.

— Ҳилоланинг касалхонадалигидан хабарингиз борми? Кеча бориб кўриб келдик. Аҳволи анча оғир. Раънохон бизникида, — деди хотиним.

— Нима? —Аҳмаджоннинг кўзлари пирпираб кетди.

— Наҳотки икки кундан бери уйга келмаган бўлсангиз?

Аҳмаджон жимиб қолди. Кейин кўзларини ишқаб ўрнидан турди. Хотинимдан касалхона адресини сўради-да, индамай чиқиб кетди. Коридорда Раънохон кўринди. Унинг кўзлари жиққа ёш эди.

Орадан уч кун ўтгач, кечки пайт телефон жиринглаб қолди. Трубкадан Аҳмаджоннинг қалтироқ овози келди:

— Бошимга мусибат тушиб қолди, ака. Ҳилола касалхонада оламдан ўтибди. Тез етиб келинг.

Раънохонни болалар билан уйда қолдириб, эр-хотин Аҳмаджоннникига, ундан касалхонага югурдик.

Ҳилола билан бир палатада ётган аёл бизни кўриши билан ҳўнграб юборди. У фақат «вой, гапириб турибди ўлиб қолди-я» деган сўзни тинимсиз такрорларди.

Кейин бир оз ўзини босиб олгач, қўлимга бир мактуб тутқазди.

— Мана шу хатни кеча кечгача ёзди. Нима ёзаяпсиз десам, васиятнома, дейди бечора кулиб. Вой, кейин билсам ростдан ҳам васиятнома экан. Санитарлар ёстиғининг тагидан олиб менга тутқазишди. Уйдагиларига бериб қўярсиз дейишди айланай.

Кечаси алламаҳалда уйга қайттач, хотиним билан хатни очиб ўқидик. Мана ўша дил мактуби:

«Қизим Раънохон!

Дўмбоғим, менинг қалбимни, афсус-надоматларимни ёлғизгина сен тушуна оласан, жоним. Яна неча кунлик умрим қолди, билмайман. Лекин бу ёруғ олам билан видолашадиган куним яқинлаб қолганини юракдан ҳис этиб турибман. Одам боласи шунақа, ҳатто ўлишини билади. Мени кечир қизим.

Мақсадим сенинг мактабга борганингни кўриш, бу қутлуғ кун билан сени табриклаш, папка кўтарган жажжи қўлларингдан айланиб-ўргулиб иссиқ бағримга босиш эди. Афсус, у кун менга насиб этмади. Фақат биргина нарса — сенга мактаб учун зарур бўлган барча китоб-дафтарларни тайёрлаб қўйганим менга таскин беради.

Қизим, бу фожиа учун дадангни лаънатлама. Ўнда ҳам гуноҳ йўқ. Балки айб мендадир, мен унинг кўнглидаги хотин бўла олмагандирман. Агар севги гуноҳ бўлса, гуноҳим уни севганим.

Ҳаммасига чидадим. Барчасига бардош бердим. Дадангнинг дашномлари-ю, таъналари, қилдан фил ясаб калтаклашлари қанчалик бағримни ўртаб, танамга азоб бермасин, бировга чурқ этиб оғиз очмадим. Бу кунлар ўтиб кетар, оламиз яхши бўлиб, кўрмагандек бўлиб кетармиз деган умидда эдим. Сенинг ҳаётингни, тақдирингни ўйлаб шундай қилдим. Ёлғизим, ота дийдорига тўёлмай қолишингдан қўрқардим. Чунки ўзим на ота-ю, на она меҳрига тўйганман. Ақлимни таниб, ота-она меҳрини қўмсаганимда, афсус, улар оламда йўқ эди. Балки ўша меҳрибонларим бўлганида тақдирим ўзгача бўлармиди? Ҳа, дунёда яхши одамлар кўп экан. Улар паноҳида камол топдим.

Даданг билан биринчи марта техникум остонасида кўришдик. Ўшанда у техникумнинг сўнгги курсида ўқир, мен эса эндигина ўқишга жойлашган эдим. У мени кўрди-ю, орқамдан соядек эргашиб олди. Муҳаббатини рад этсам, ўзини ўлдиражагини айтганида қўрқиб кетдим. Ҳаёлимдан унинг қиёфаси кетмай қолди. Кейин билсам мен ҳам уни севиб қолган эканман. О. Ўша вақтларда у қандай қувноқ, қандай доно йигит эди. Дугоналарим мени бу бахт билан табриклашди. Илк баҳор кезлари тўйимиз бўлди. Кунларимиз ширин ва тотув ўтарди. Дунёда мендай бахтли аёл йўқ деб ўйлардим ўша кезлари. Даданг маданият уйига бадиий раҳбар бўлиб борди-ю, бахтимга чечак чиқди. Кейин билсам у шу ерда ишлайдиган бир аёлга кўнгил қўйиб қолган экан. Уни бу йўлдан қайтармоқчи бўлдим. Ялинибёлвордим. Муҳаббатимни, сени ўртага қўйиб қасам ичдим. Йўқ, бўлмади. Борган сари тўнини тескари кияверди. Лекин у уйда қанчалик золим, жоҳил бўлмасин, кўча-кўйда юмшоқ супурги эди. Ширин гапириб ҳар қандай одамни ўзига сеҳрлаб оларди. Ҳар қалай унда шунақа қобилият бор эди. Мен ўзим билан ўзим шундай эди. Бировлар олдида, оғзидан бол томарди-ю, ёлғиз вақтларда захрини сочарди. Охирги ишончим ўша аёлдан эди. Ахир у ҳам одам-ку, олдига бориб бор гапни айтсам менинг аҳволимни тушунар, бизга раҳм қилар деб ўйлардим. Шу мақсадда у билан учрашдим, афсус у мени тушунмади.

Ишон қизим. Йўқ-йўқ, ўша дамда ҳам мен ўзимни ўйламадим. Дадангнинг тақдирини ўйлаб, шу шалақи хотин билан ўтадиган бемаъни кунларини ўйлаб юрагим ачишиб кетди. Ахир ўз эрини, оиласини ташлаб бировнинг жуфти-ҳалолига кўз олайтирган аёлдан нимани кутиш мумкин?

Мана шунисн алам қилди менга. Ҳамма нарсага ақли етадиган отангнинг шунга қолганда «кўр ва кар» бўлиб қолгани алам қилди менга.

Ҳа, қалб бардошининг ҳам чегараси бўларкан, қизим. Мана, ниҳоят менинг ҳам бардошим тугади. Афсус, отанг буни тушунмаяпти. Тушунишни хоҳламаяпти.

Ҳаётда яхши одамлар кўп. Улар орасида сен ҳеч қачон ҳор-зор бўлмайсан. Бир илтимос, катта бўлганингда бебаҳо онангни қарғамасанг бўлгани. Афсус, сенга қолдирадиган бирор арзигулик ёдгорлигим ҳам йўқ. Мана шу хат сенга онангдан бирдан-бир ёдгорлик бўлиб қолар, деган ниятда бор сирни сенга батафсил ёздим.

Алвидо қизим, кўзимнинг оқу-қораси Раънохон».

Ҳайкалдек қотиб қолдим. Имзо тагидаги числога аранг қарай олдим. Мактуб бундан роппа-роса бир кун олдин ёзилган эди. Бирдан кўз олдимда Ҳилоланинг жамоли жонланди. Мана, у ҳорғин жилмайиб турибди. Кулимсираган кўз милкида ёш қалқиди. Бора-бора у йирик томчиларга айланиб бирин-сирин юзларга думалаб тушаётган

• *Ҳамшаҳарларимиз шундай хизмат қилишмоқда*

ЧИНИҚИШ МАКТАБИ

Ўрта бўй, юзларида ҳамиша табассум балқиб турадиган бу йигит биринчи учрашувдаёқ менга маъқул бўлди. Унга назар ташлар эканман, ҳаётда, хизматда бу йигитни ташвишга соладиган, хафа қиладиган воқеалар бўлмаса керак, деб ўйладим. Аслини олганда унинг иши қунт ва эътибор талаб қилади. Ҳамиша ўйлашни, изланишни тақозо этади... Ғафуржон тенорни стол устига қўйиб деди:

—Бугунги машғулотимиз тугади. Кечга қадар бўшсизлар.

Жангчи санъаткорлар музика асбобларини махсус жойга қўйишиб, қисмга қараб кетишди.

Биз Ғ. Розиқов билан узоқ суҳбатлашдик. Ана шундан кейин Тошкентдаги Ҳамза номли музика билим юртини тугатганлигини, кейин Мухтор Ашрафий номидаги Давлат консерваториясида ўқиганлигини, бу ерда дутор чалиш сирларини мукаммал ўрганганлигини билиб олдим. Консерваторияни битиргандан кейин бир ярим йил давомида Ўзбек Давлат филармонияси Тўхтасин Жалилов номидаги халқ чолғу оркестрида солист бўлиб ишлади.

Ҳозир эса у Ватан олдидаги муқаддас бурчини бажараяпти — жангчи. Музикачига ҳарбий хизматга қўникиш қийин эканми? Ғафуржон бу саволни эшитгандан кейин жилмайиб қўйди ва сўзлади.

—Ҳарбий хизматга чақирилгунимга қадар ҳеч қандай оғир иш қилганим йўқ эди. Фақат ноталар солинган папка, дутор кўтариб юрар эдим. Ҳозир эса кросс мусобақаларида бемалол қатнашаяпман. Турникда тортилишни ҳам пухта ўрганиб олдим. Ҳарбий спорт комплекси нормативини бажардим...

Унга ҳарбий хизматга чақирилаётганлиги ҳақидаги хабарни етказишганда, касбдош ўртоқлари бироз таажжубланишиб «Армияда хизмат қилиш осон бўлмаса керак?» деб қиноя қилишди. Дастлабки қаяжонлар, иккиланишлар орқада қолди. Ғ. Розиқов ҳарбий тартибга қўникиб қолди. Унинг фикрича ҳозир тонг саҳарда туриш, ҳарбий машқларда қатнашиш, умуман уйқуга ётишгача бўлган вақт давомида амалга ошириладиган режали ишлар жангчининг ташаббускорлигини сўндирмайди.

Тўғрисини айтганда у ҳарбий хизмат ўзи учун бундай енгил кўчишини хаёлига ҳам келтирмаган эди. У ҳозир ҳам командир билан бўлган суҳбатни ёдидан чиқаргани йўқ. Уни ҳарбий билим юртининг духовой оркестрига таклиф қилишди. Тенор чала бошладди. Тўғри, дастлаб ҳарбий сафларда айтилаётган жанговар қўшиқларнинг ноталарини ўрганишига тўғри келди. Оркестрдаги хизмат ва тартиб унга маъқул келиб қолди. Орадан ярим йил ўтганидан кейин уни бошлиқлардан бири чақираётганлигини айтишди. Суҳбат қисқа бўлди. Жангчи таклифни қабул қилди. Уни қўшин қисмдаги бадиий ҳаваскорлик коллективига раҳбарликка тайинлашди.

—Ўшанда бироз ўзимни йўқотиб қўйдим,— дейди у. — Нимадан бошлаш керак? Оддий жангчи Илюқдан нотани сўрасам бутунлай тушунмади. «Музикани хотирамда сақланиб қолган оҳанг асосида чаламан», деди. Умуман олганда коллективга маълумотли, музика чалиш сирларини мукаммал эгаллаш иштиёқидаги ташаббускор йигитлар йиғилган эди.

Мен Ғ. Розиқовга назар ташладим, қўллари совуқда чиниққан, ҳақиқий жангчининг қўли. Шу қўллар жозибали куйларни чалиш билан бирга жанговар варақалар ҳам тайёрлайди. Ғафуржон оркестрда ишлаш билан бирга қурилиш взводида меҳнат қилади. Кечқурунлари эса машғулотларда қатнашади.

Суҳбатимиз давомида у Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флоти куни шарафига махсус программа тайёрлаётганлигини маълум қилди. Ўз коллективи, ўз комсомол ташкилоти учун оддий жангчи Ғ. Розиқов жуда кўп ишлари амалга оширди. У комсомол ташкилотида маданий-маиший секторини бошқаради. Ҳарбий хизмат унинг ўзига нималар берди?

—Армияда чиниқиш мактабини ўтадим. Бу ерда бошқа ишларни бажариш қобилиятимни синовдан ўтказдим. Хуллас, хизмат давомида бир неча ҳақиқий дўстлар орттирдим. Ватанга бўлган меҳрим ва садоқатим янада ошди,— дейди севинч билан Ғафуржон.

В. МОКРИЙ,
Н-қиес.

РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

«ЮБИЛЕЙНИЙ» ЎҚИШГА ЧОРЛАЙДИ

Бугунги кунда замонавий ва қизиқарли касблардан бири — бу сотувчиликдир. Молни харидорга тезда ўраб узатиш, унинг афзалликлари ҳақида қиқоя қилиб бериш, харидорни янги моллларга қизиқтира олиш, одамлар билан ҳар минутда муомала қилаётганда эътиборли, ғамхўр, хайрихоҳлик бўлиш — бу сифатлар айниқса қизларда мужассамланган.

Шунинг учун ҳам «Юбилейний» 12-магазинига ўқишга таклиф этар эканмиз, биз сиз қадрдон қизларга мурожаат қилиб айтамизки, марҳамат қилиб ўқишга келингиз!

«Юбилейний» мактаб-магазинида ўқиш ва практиканинг 6 ойи давомида Сиз озиқ-овқат молларининг кичик сотувчиси касбини эгаллайсиз. Сизнинг энг яхши сотувчи бўлиб волга етишишингизда малакали педагоглар ва тажрибали мураббийлар — ишлаб чиқариш таълимининг усталари сизларга яқиндан ёрдам беришади.

Мактаб-магазинига 16 дан 25 ёшгача бўлган 8—10 синф ҳажмида маълумотли қизлар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади. Тошкент шаҳрида доимий пропискаси бўлиши мажбурий

Ўқувчилар ҳар ойда 52 дан 63 сўмгача стипендия оладилар. Мактаб-магазинда ўқиш даври умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади. Мактаб-магазинга ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар зарур: ўрта маълумоти тўғрисида аттестат ёки 8 синфни битирганлиги ҳақида гувоҳнома, паспорт ёки туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома, мактабдан ёки кейнги иш жойидан характеристика, бор бўлса меҳнат дафтарчаси, турар жойидан справка, 3 та фотосурат.

Машғулотлар группаларнинг комплектланишига кўра бошланади.

Маълумотлар олиш учун ушбу адресга мурожаат этилсин: Тошкент шаҳри, Спутник массиви, 7-квартал, 13-уй.

СЕРГЕЛИ РАЙПИШЧЕТОРГИ.

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон агентлиги.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА— 27/I да **Ганг дарёсининг қизи**, 28/I да **Нодирабегим**, 29/I да **Абу Али ибн Сино**, 30/I да **Гурунг**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА— 27/I да **Гулсара**, 28/I да **Кулги кечаси** (билетлар сотилган), 29/I да **Ишонмасанг, ўламан**, 30/I да **Ешликда берган кўнгил**.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 27/I да **Зада бўлган пайғамбар**, 28/I да **Отасининг қизи**, 29/I да **Тиконсиз типратиконлар**, 30/I да **Сокин тонглар**.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— **янги программа «ПАҲЛАВОН ВА ШЕР»**.

КИНО

27 ЯНВАРДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ТИНЧЛИК УМУМХАЛҚ ИШИ» —**Восток**.

«ТИНЧЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДАГИ ТАШРИФ» —**Тошкент Советининг 50 йиллиги номли**.

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ЭРКАКЛАР» —**Чайка** (жуфт соатларда), **Дружба** (17, 19, 21.00), **Восток** (жуфт соатларда), **Искра** (18, 20.00).

«БУЮК ФИДОИЙ» — **Нукус** (18.30 20.45) **Козоғистон** (18, 21.00).

«ТЕҲРОН — 43» — **Козоғистон** (17, 20.00), **Дружба** (18, 20.30).

«АНОР ОРОЛЛАРИДА» —**Восток** (тоқ соатларда), **Москва** (тоқ соатларда).

«МЕХАНИК ГАВРИЛОВНИНГ МАҲБУБАСИ» —**Восток** (тоқ соатларда).

«ЎТГАН КУН ФАКТЛАРИ» — **Санъат саройи** (17, 19.30).

28 ЯНВАРДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ТИНЧЛИК УМУМХАЛҚ ИШИ» —**Восток**.

«ТИНЧЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДАГИ ТАШРИФ» —**Тошкент Советининг 50 йиллиги номли**.

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ЭРКАКЛАР» —**Чайка** (жуфт соатларда), **Дружба** (17, 19, 21.00), **Искра** (16, 18, 20.00).

«БУЮК ФИДОИЙ» — **Нукус** (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45), **Козоғистон** (12, 15, 18, 21.00), **Восток** (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45).

«ТЕҲРОН — 43» — **Козоғистон** (11, 14, 17, 20.00), **Дружба** (12, 14, 15, 18, 20.00), **Кўнча** (11, 14, 17, 20.00).

«АНОР ОРОЛЛАРИДА» — **Москва** (тоқ соатларда).

«МЕХАНИК ГАВРИЛОВНИНГ МАҲБУБАСИ» —**Восток** (тоқ соатларда).

«ЎТГАН КУН ФАКТЛАРИ» — **Санъат саройи** (12, 14.30, 17, 19.30).

Октябрь районидаги Ойбек номли 115-ўрта мактаб томонидан **Нигматжонова Муборак Ҳакимжоновна** номига берилган 296267 номерли йўқолган 8-СИНФНИ ТУГАТГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДАГИ ГУВОҲНОМА **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Ўзбекистон ССР ҳунар-техника таълими давлат комитети

182-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1982—83 ЎҚУВ ЙИЛИГА

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

электрпайвандчи, дурадгор, бўёқчи.

ЎҚИШ МУДДАТИ 6 ОЙ

БИЛИМ ЮРТИГА ЎРТА МАЪЛУМОТЛИ ВА СОВЕТ АРМИЯСИДА ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ ЎТАБ ҚАЙТГАНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Билим юртини битирганларга диплом берилади, улар қурилиш бошқармасига ишга юборилади.

Билим юртини аъло ва яхши баҳолар билан битирганларга олий ўқув юртларига йўлланма берилади.

10- синфни битирганлар 30 сўм стипендия оладилар.

Совет Армиясида ҳарбий хизматни ўтаб қайтганлар 60 сўм стипендия оладилар.

Ўқувчилар ишлаб чиқариш давридаги иш ҳақининг 50 процанти билан таъминланадилар.

Ўқиш даври узлуксиз меҳнат стажига киради.

Билим юртини битирганларга «Таштракторстрой» трестига ишга йўлланма берилади.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: директор номига ариза, маълумоти ҳақидаги гувоҳнома, паспорт ёки туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, турар жойидан справка, 6 дона сурат (3х4 см.), медицина справкаси (286-форма).

Қабул комиссияси ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача ишлайди.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Куйбишев райони, Багратион кўчаси, 4- уй, (17- автобуснинг «12- турар жой шаҳарчаси». 13-трамвайнинг «Шимолий Шарқ массиви» бекати). Телефон 64-18-41.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ

ТЕЗ КУНДА

ШАҲАР КИНОТЕАТРЛАРИ ЭКРАНЛАРИГА

«ВАСИЛИЙ ВА ВАСИЛИСА»

(В. Распутининг шу номли асари асосида)

НОМЛИ ЯНГИ БАДИИЙ ФИЛЬМНИ ЧИҚАРАДИ

Сценарий муаллифи — В. СОЛОВЬЕВ.
Режиссёр — И. ПОПЛАВСКАЯ.
Ролларда: О. ОСТРОУМОВА, М. КОКОНОВ, Н. БОНДАРЧУК ва бошқалар.

Фильм-она-Ватаннинг ташвиши ва қувончларини баҳам кўрган оддий деҳқон аёлининг ҳаёти тўғрисида, рус аёлининг чексиз ички қатъияти, бардоши ва саховати ҳақида ҳикоя қилади.

Сибирь қишлоқларидан бирида Василий ва Василиса истиқомат қилишарди. Аҳил ҳаёт кечиришар, меҳнат қилишарди. Василиса Василийга етти фарзанд туғиб берди. Лекин Василий шўхлик кўчасига кириб кетиб, ичкилик ичадиган, хотинига қўл кўтарадиган бўлиб қолди. Ўшанда Василиса эрини бир умрга, ҳаётининг охиригача омборхонага кўчириб ташлади.

Бу орада уруш бошланди. Василий ва унинг икки ўғли фронтга кетишди... Кунлардан бир кун Василиса ўғилларидан «қора хат» олди.. Қишлоқда соғ-саломат, бардам-бақувват Василий пайдо бўлди ва яна омборхонада яшай бошлади— Василиса аввалги аламзадаларини кечиролмади. Василий ҳаётининг сўнгги дақиқалари яқинлашганини сезиб қолгандагина Василисани ёнига чақиради. У омборхонага кириб эрини кечиради ва сўнгги йўлга кузатиб қўяди.

«МОСФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ.

ЮКСАК ТУРМУШ МАДАНИЯТИ УЧУН

ЯНГИ УЙЛАР

Тошкент яқинидаги «Юбилейний» поселкасида яқинда ишга туширилган қишлоқ йирик панелли уйсозлик заводи территориясида ғалати виставка ташкил этилмоқда. Икки қаватли икки квартирали турар жой биноси унинг биринчи экспонати бўлди. Кенг, ёруғ меҳмонхона, шинам хобхона, болалар хонаси, овқатланиш хонаси, катта айвон ва ёрдамчи хоналар бу уйда яшовчиларга энг кўп қулайликларни яратиб беради.

Корхона ишлаб чиқараётган конструкциялардан йиғиш мумкин бўлга бошқа уйлар ҳам виставка экспонатлари бўлади. Бу уйларнинг ҳар бири такрорланмас нақшлар билан безатилади. Экспозиция билан танишган колхоз ва совхозларнинг вакиллари шунингдек қишлоқ уй-жой кооперативларининг аъзолари ўзлари танлаган у ёки бу уйни тайёрлаш тўғрисида буюртма беришлари мумкин.

Завод лойиҳадаги қувватига эришгандан кейин йилига юз минг квадрат метр уй-жой ишлаб чиқарадиган бўлади. Бу —унинг конвейерларидан йил сайин бутун бир агрошаҳарча тайёр бўлиб чиқади демакдир.

Бироқ Ўзбекистон ССР қишлоқ қурилиши министрлиги йирик панелли уйсозлик бошқармасининг бошлиғи М. Л. Духовнийнинг маълум қилишича, завод ҳозирча тўла йиғиладиган уйларни кўплаб тайёрлашга кириша олмайди. Бунинг сабаби Тўйтепадаги металл конструкциялар заводи жиҳозларни ўз вақтида етказиб бермаслигидадир. Бу эса уйларни комплектлаш ва уларни буюртмачиларга юборишни кечиктирмоқда.

(ЎзТАГ).

ЛИМОН ЕТИШТИРИЛДИ

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш-техника таъминоти давлат комитетига қарашли Ғузор район бирлашмасининг ёрдамчи хўжалигида лимон териб олишга киришилди. Бу ерда республиканинг таниқли селекциячиси З. Фахриддинов яратган ана шу субтропик экиннинг қимматли навлари етиштирилмоқда. Ёрдамчи хўжалик бирлашма ходимларини янги сабзавот билан таъминлаб турибди. Бу ерда гўшт, сут ва тухум етиштириш учун кичик ферма ҳам ташкил этилган.

(ЎзТАГ).

«УЗГЛАВТОПЛЕССТРОЙТОРГ»нинг

ТОШКЕНТ ЕҚИЛҒИ БАЗАСИ СКЛАДЛАРИДА

АНГРЕН, КУЗБАСС, ҚАРАҒАНДА **кўмирлари**

СОТИЛМОҚДА

ЕҚИЛҒИНИ МАРКАЗЛАШТИРИЛГАН ТАШИШ УСУЛИ БЎЙИЧА УЙГА ЕТКАЗИБ БЕРИШ ГРАЖДАНЛАРДАН ЯККА ТАРТИБДА ВА ШАҲАР КОРХОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИДАН КОЛЛЕКТИВ

БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА

ГАЗ ИСИТИШДАН ФОЙДАЛАНМАЙДИГАН УЛУҒ ВАТАН УРУШИ ИНВАЛИДЛАРИ ВА ҚАТНАШЧИЛАРИГА НАВБАТСИЗ ХИЗМАТ КЎРСАТИЛАДИ. УЛУҒ ВАТАН УРУШИ ИНВАЛИДЛАРИГА, ШАХСИЙ ПЕНСИОНЕРЛАРГА КЎМИР ВА ЎТИН БЕЛГИЛАНГАН НОРМА АТРОФИДА 50 ПРОЦЕНТ АРЗОНЛАШТИРИЛГАН НАРХДА СОТИЛАДИ.

ЕҚИЛҒИ СКЛАДЛАРИНИНГ АДРЕСЛАРИ:

1— 2-Ипподром проезди, 58-уй.
2—Уста Ширин кўчаси, 136-уй.
3—Полевая кўчаси, 52-уй.
4—Сергели посёлкасининг Шимолий саноат зонасида, саноат моллари бозори ёнгинасида.

4-СКЛАДДА БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШДАН ТАШҚАРИ СЕРГЕЛИ, АКМАЛ ИКРОМОВ, ФРУНЗЕ РАЙОНЛАРИДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛУВЧИ ГРАЖДАНЛАРДАН ЯККА ТАРТИБДА БУЮРТМАЛАР «УЗГЛАВТОПЛЕССТРОЙТОРГ»НИНГ СЕРГЕЛИДАГИ САВДО МАРКАЗИДА ЖОЙЛАШГАН 1-МАГАЗИНИ ОРҚАЛИ ҲАР КУНИ СОАТ 10.00 ДАН 13.00 ГАЧА (душанбадан ташқари) (ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ (19.-троллейбус, 40, 58, 66, 75, 127-автобусларнинг «Савдо маркази» бекати).

МУСОБАҚА ҒОЛИБЛАРИ

Республика телевидениеси томонидан тез-тез ўтказилиб турадиган мактаб ўқувчиларининг светофор мусобақаси ўқувчиларнинг йўл қоидаларини аниқ ва равшан билиб олишларига катта ёрдам бермоқда.

Светофор ўйини ташкил этилгандан буён республикамиздаги кўпгина мактабларда светофор командалари тузилди. Шулар қатори пойтахтнинг С. Раҳимов районига қарашли В. И. Ленин номли мактабда ҳам 1965 йили «Машъал» командаси ташкил топди. Командада 30 ўқувчи бўлиб, улар 4 марта светофор ўйини ғолиблари бўлишиб қимматбаҳо совғалар билан мукофотланишди. Бу мукофотларнинг иккитаси республика мусобақасида, иккитаси эса шаҳар бўйича ўтказилган ўйинларда қўлга киритилган эди. Ўқувчилар светофор ўйини учун керакли бўлган барча жиҳозларни тайёрлашган. Булар светофор чироғи макети, автомобиллар, трамвай, троллейбус макетлари, чорраҳа кўринишлари, турли альбомлардан иборат. Куни-кеча бу ерда яна светофор мусобақаси бўлиб ўтди. Бунда икки команда Чилонзордаги 179-мактаб командаси билан С. Раҳимов районидаги 28-мактаб командалари куч синашдилар. Улар кўча ҳаракати қоидалари, автомобиль макетлари тайёрлаш, газета чиқариш, жюри аъзолари саволларига аниқ жавоб бериш бўйича беллашдилар. Бадиий ҳаваскорлар эса ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

Жюри аъзолари ўйин якунида очколар йиғиндисига асосан шаҳар биринчилиги учун бўлган мусобақада биринчи ўринни 179-мактаб командасига, иккинчи ўринни эса 28-мактаб ўқувчиларига беришди.

СУРАТЛАРДА: (юқорида) жюри аъзолари; (пастда) 28-мактаб ўқувчилари қўшиқ ижро этишмоқда.

Ҳ. Мирзакаримов фотолари.

ЧАЙҚОВЧИГА — ШАФҚАТ ЙЎҚ

Эгри ишнинг охири

Илгари ҳам судланган Жаҳонгир Оқйўлов бир куни кўча четида туриб, у ёқдан-бу ёққа гиз-гиз ўтаётган машиналарни кузатар экан ҳаёлига бир фикр келиб қолди. Жилмайди. У ўзининг топқирлигидан қувониб кетган эди. «Ҳа, ҳа, ҳозир кўчада нима кўп, машина кўп. Темирдан бўлса ҳам юриб тургандан кейин бузилмасдан иложи йўқ. Демак машиналарнинг эҳтиёт қисмларига бозорда талаб катта бўлади», деди у ўзига ўзи.

Кўп ўтмай Ж. Оқйўлов Тольятти шаҳрида пайдо бўлди. «Жигули» автомашинасининг давлат нархида бир комплекти 5 сўм 60 тийин бўлган кольцосидан олти комплектини сотиб олиб, орқага қайтади. Тошкентга етиб келиши билан ноқ Фарҳод ярмаркасига равона бўлди. Тўрт томонга олазарак бўлиб харидор қидира бошлади. Харидор ҳам топила қолди.

— Бир комплекти 50 сўм бўлади.

— Сал арзонроқ қилинг, магазинда бор-йўғи 5 сўм 60 тийин туради-ку, — деди харидор.

— Хоҳласангиз олинг, бўлмаса йўқ, — жавоб қилди чайқовчи.

Ж. Оқйўлов харидордан 50 сўмни санаб олган пайтда ОБХСС ходимлари томонидан қўлга олинди.

Асосан йўл билан бойлик орттириш мақсадида Тольятти шаҳрига бориб келганлардан бири М. Тиллабоев эди. У «Жигули» автомобилининг бир комплекти 11 сўм 20 тийин турадиган кулачогидан 9 комплектини олиб келган. У ҳам эҳтиёт қисмларни Фарҳод бозорида пуллаш учун олиб келганида қўлга тушди.

Шаҳримиздаги қурилиш ташкилотларидан бирида слесарь бўлиб ишловчи Л. Хегай Киев шаҳрига қилган сафаридан қуруқ қайтмади. Балки ўз оиласи аъзоларига совға-салом кўтариб келгандир дерсиз? Аксинча, у ҳам енгил автомобилларнинг ноёб саналувчи эҳтиёт қисмларидан олиб келди. «Қариндошларимнинг илтимоси билан олиб келган эдим», дейди Л. Хегай ўзини оқламоқчи бўлиб. Ваҳоланки у ана шу эҳтиёт қисмлардан бирини чайқов баҳосида сотаётганда ушланган. Унинг квартирасидан бошқа эҳтиёт қисмлар топилган.

«Ташсельмаш» заводида фрезерчи бўлиб ишловчи С. Занин ҳам эҳтиёт қисмларни ортиқча нарҳда сотиш учун ярмаркага олиб келган. Унинг айтишича эҳтиёт қисмларни аввал қайнотаси учун бошқа бир кишидан сотиб олганмиш. Қайнотаси «қиммат экан», деб, қайта сотиб юборишни маслаҳат бергамиш. С. Зинин ҳам, Л. Хегай ҳам қариндошларининг ҳожатини чиқаришни эмас, балки шу баҳона билан автомобиль эгаларини лақиллатмоқчи бўлганликлари далиллар билан исботланди.

Юқорида номлари келтирилган олибсотарларнинг барчаси ўз айбига иқрор бўлишди. Шунингдек А. Каимов, Х. Гаджиев, В. Эм, С. Седаев, Ю. Катихин каби енгил даромад кетидан қувиб, эҳтиёт қисмлар олиб сотиш билан шуғулланган шахслар ҳам тегишли жазоларни олишди. Чунки халқимиз «Эгри ишнинг — охири вой» деб бежиз айтмаган.

М. МИРЗУФАРОВ,

Акмал Икромов район халқ судининг раиси.

Редактор ўринбосари
С. Б. ЕҚУБОВ.

ЭКРАНДА ЗАНГОРИ

27 ЯНВАРЬ— ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.10 «Бундай университетлар унутилмайди». Телевизион очерк. 18.40 «Шахтёр овозлари» эркаклар вокал халқ ансамблининг концерти. 19.05 Мультфильм. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 Илмий-оммабоп фильм. 19.45 «Инсон ва қонун». 20.15 «Валентин Катаев. Ижоди саҳифалари». Туғилган кунининг 85 йиллигига. 21.30 «Время». 22.00 Хоккей бўйича СССР чемпионати. МАСК— «Крылья Советов». 01.00 «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

18.30 Янгиликлар. 18.50 «Уфқ». Ешларни ахлоқий-ҳуқуқий тарбиялаш ҳақида. 1-кўрсатув. Ленинграддан олиб кўрсатилади. 19.35 «Парвозга ноқулай об-ҳаво учун ташаккур». Фильм-концерт премьераси. (Ленинград). 20.30 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар!». «Сехрли экран». 20.45 «Ёмғир йили». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Вильнюс). 21.10 Гитарачи Д. Мамонтов ижро этади. 21.30 «Время». 22,05 «Қора қоплон». Бадиий фильм. (ГДР).

Узбекистон телевидениесининг программалари

I

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. СССРда давлат ҳокимиятининг олий ва бошқарув органлари системаси (рус.). 18.30. «СССР халқларининг қўшиқ ва рақслари». 19.00 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Химия. 20.00 Янгиликлар. 20.20 Эстетика асослари. Санъат турлари. Хореография. 21.00 «Янги марралар сари». 21.30 МТ II.

28 ЯНВАРЬ — ПАЙШАНБА

Марказий телевидениесининг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 «П. Майборода қўшиқлари». Фильм-концерт (Киев). 10.30 «Горнчилар, қаердасиз!». Ёшлар ансамблининг концерти. Олмаотадан олиб кўрсатилади. 11.00 «Киносаёҳатчилар клуби». 12.00 «Ишлаб чиқариш гимнастикаси». 12.30 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Яхши ном». Телевизион ҳужжатли фильм. (Новосибирск). 15.50 «В. Шекспир». 1-кўрсатув. 16.35 ВЭФ заводи Маданият саройи— «Кантилена» скрипкачилар ансамблининг чиқиши. 17.10 Шахмат мактаби. Бошловчилар учун. Дебютлар. 17.40 «Орлёнок» телестудиясининг концерт зали. Ўзбекистон ССР телевидениеси ва радиоси болалар хорининг чиқиши.

18.25 «Миллионлар ленинча университети». 19.00 «Расмларда қўёш акси бор». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Фан оламида». 20.25 «Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 11-серия. 21.30 «Время». 22.05 Санъат усталарининг концерти. 23.25 «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.20 «Шахтёрский огонёк»нинг меридианлари». Телевизион ҳужжатли фильм (Новосибирск). 9.35 ва 13.10 Оналар мактаби. 10.35 ва 12.05 Испан тили. 10.35 ва 11.35 Умумий биология. 10-синф. 11.05 Эдуард Багрицкий поэзияси. 12.40 ва 13.40 Зоология. 7-синф. Қушлар ҳаётида мавсумий кўринишлар. 14.10 Ўқитувчига— музика сабоғи. 2-синф, 3-кўрсатув. 15.10 «Оқ кема». Бадиий фильм (субтитр билан). 16.50 Янгиликлар.

18.30 Янгиликлар. 18.50 «Халқ шоири». Бошқирд халқ шоири Ғ. Ғафурий ҳақида телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 19.05 «Уфқ». Ешларни ахлоқий-ҳуқуқий тарбиялаш ҳақида. 2-кўрсатув. Ленинграддан олиб кўрсатилади. 20.00 Марказий телевидениенинг Бутуниттифоқ радиосининг рус қўшиқлари академик хори ижро этади. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!». 20.45 Тог чанги спорти бўйича жаҳон чемпионати. 21.30 «Время». 22.05 Француз тили дарслари». Телевизион бадиий фильм.

Узбекистон телевидениесининг программалари

I

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 Болалар учун. «Бойчечак». 18.30 «Инсон ва табиат» (рус.). 19.00 «Ҳаёт каби тариҳ». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Ҳамиша изланишда». Ўзбекистон Давлат телевидениеси ва радиосининг хизмат кўрсатган хор коллективи ҳақида музикали очерк. 20.30 «Ахборот». 20.50 М. Турғунбоева номли хизмат кўрсатган Давлат «Баҳор» рақс ансамблининг концерти. 21.30 Москва «Время». 22.05 «Турмуш ва маданият». 22.40 «Совет киноси усталари». СССР халқ артисти Л. Ордова туғилган кунининг 80 йиллигига. 23.50 Кўрсатувлар программаси.

II

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 Биология Ирсият қонунлари. 18.30 «Бизнинг бош мухбиримиздан». 19.00 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Назарий механика. 20.00 Янгиликлар. 20.20 Реклама. 20.30 Абитуриентлар учун. Математика. 21.30 МТ II.

4 ТОШКЕНТ бет ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41 ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат, — 33-57-02, адабиёт ва санъат — 32-56-81; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83 совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19. фан. мактаб ва олий ўқув юртлари 32-53-10; бўлимлар: партия турмуши — 32-63-66; ахборот—33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-55-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими —33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90,50.

27 ЯНВАРЬ, 1982 й. Р. — 07038. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. В-2524. Индекс 64691.